Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йилда 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 117 (21. 216) 1992 йил 16 июнь, сешанба ●

БАҲОСИ 2 СЎМ.

Суратда: қабул пайти.

Р. НУРИТДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

ИСПАНИЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Испаниянинг собиқ давлат котиби, «Жуспи» компаниясининг вице-президенти Луис Пренафетани 12 июнь куни қабул қилди. Луис Пренафета Тошкентга келган испаниялик ишбилармонлар делегациясига бошчилик қилмоқда.

Учрашув чоғида мустақил давлатга айланган Ўзбекистоннинг раҳбарияти иқтисодиётдаги мафкуралаштиришдан бутунлай воз кечганлиги ҳақида гапирилди. Мустақил республика ўзаро манфаатдорлик ва бир-бирини ҳурмат қилиш, бир-бирларининг ички ишларига ҳеч қандай йўл билан аралашмаслик қоидалари асосида ҳар қандай демократик мамлакат билан ҳамкорлик қилишга тайёрдир.

Олий Кенгаш бундан бир йил муқаддам қабул қилинган хорижий сармоялар тўғрисидаги республика қонунига тузатишларни муҳокама қилишга тайёргарлик кўраётганлиги айтилди. Иқтисодиётимизни ривожлантиришга пул сарфлаган хорижий ишбилармонларга катта имтиёзлар бериш кўзда тутилмоқда. Суҳбатда испаниялик ишбилармонлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш учун имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

«Жуспи» компаниясининг вице-президенти ўзининг Ўзбекистонга ташрифи натижалари ҳақида сўзлаб берди. Республикадаги бир қанча йирик корхоналар билан ҳамкорлик тўғрисидаги протоколлар имзоланди. Уч йўналишда биргаликда ҳаракат қилиш: нефть қазиб чиқариш саноатини ривожлантиришда, қўшма корхоналарни ташкил этишда, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар етказиб беришда иштирок этиш назарда тутилмоқда.

Учрашувда республика Бош вазирининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов иштирок этди.

(ЎзА мухбири).

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ТАШРИФИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги делегация бугун эрталаб давлат ташрифи билан Корея Республикаси, Малайзия ва Индонезияга жўнаб кетди.

«ОЗОДЛИК» ОБИДАСИ ЛОЙИҲАЛАРИ КЎЗДАН КЕЧИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўтган йилнинг сентябрь ойида Тошкентда «Озодлик» обидасини барпо этиш тўғрисидаги Фармонга имзо чеккан эди.

Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Мустақиллик майдонида ўрнатиладиган «Озодлик» ёдгорлигининг энг яхши лойиҳаси учун республика танлови эълон қилди. Бу кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Ноёб комплексни яратиш юзасидан ҳозиргача кўпгина меъморларнинг лойиҳалари кўриб чиқилди. Муаллифлар халқимизнинг эрксеварлиги, миллий ғурури ва мустақилликка интилишини рамзий ифодалашга ҳаракат қилганлар.

Бугун Ўзбекистоннинг етакчи меъморлари танловга тақдим этган асарлар назардан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов меъморлар ҳузурида сўзга чиқди.

«Озодлик» обидаси учун танловни давом эттириш ва бу ишга чет эллик меъморларни ҳам жалб қилиш, ана шу иш бўйича фаолиятни мувофиқлаштирувчи ижодий марказ тузиш ҳамда яратилаётган лойиҳаларни умумхалқ муҳокамасидан ўтказишга келишиб олинди.

Лойиҳалар кўргазмасига Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Ражабов ва бошқа расмий кишилар бордилар.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги хизматлари ва жамоат турмушида фаол иштирок этгани учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМИ»

Ҳамдамов Ҳамроқул Ҳамдамович — Самарқанд қишлоқ хўжалик институти кафедрасининг мудири

Хўжақулов Эгам — Нурота районидаги Ленин номли давлат хўжалиги директори, Навоий вилояти

Чилтонов Дармон — «Малик» давлат хўжалигининг ферма мудири, Сирдарё вилояти

Эркаев Абди Эркаевич — вилоят жамоа хўжаликлари кенгаши ва деҳқонлар уюшмаси раисининг ўринбосари, Самарқанд вилояти

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЕШЛАР МУРАББИЙСИ»

Акбаров Рустам Раҳбарович — Тошкент районининг ҳокими, Тошкент вилояти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЕРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

Мирзаев Маҳмуд Мирзаевич — Шредер номли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 13 июнь.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов жаноби олийларига

Аввало, Индонезия ҳукумати ва халқи номидан, шахсан ўз номимдан Сиз жаноби олийларига, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига самимий, дўстона тилаклар йўллашга рухсат этгайсиз.

Сизнинг раҳбарлигингиздаги Ўзбекистон Республикаси мустақил ва суверенитетга эга бўлгандан кейин қисқа даврда Ўзбекистон халқи эришган илҳомбахш ютуқлар ва тараққиётни зўр мароқ билан кузатиб турибман.

Буюк анъаналар туйғусига берилган Ўзбекистон халқи ўз муддаоларини ва мустақиллик олий мақсадларини амалга оширишда саботли меҳнати билан муваффақиятга эришажагига аминман.

Ўзбекистон билан Индонезия ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик узоқ вақтдан бери давом этиб келаётганини мамнуният билан қайд этаман. Мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги шу яхши муносабатлар, ўзаро манфаатли ҳамкорлик бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамланаверади, деб астойдил умид қиламан.

Шу умид ва ҳамкорлик истагидан илҳомланиб, Сиз жаноби олийларини 1992 йил 22 июнда Индонезияга давлат ташрифи буюришга зўр мамнуният билан таклиф қиламан. Миллий тараққиётимиз гуркираб турган бир пайтда Сиз жаноби олийларини индонез халқи билан бирга табриклаб кутиб олиш мен учун катта шараф бўлади. Бу ташриф мамлакатларимиз ўртасида муваффақиятли ривожланиб келаётган дўстлик алоқаларини ва ҳамкорликни мустаҳкамлашига ишончим комил.

Сизнинг Индонезияга буюрадиган ташрифингизга муштоқлигимни изҳор этар эканман, айни шу мавридда шахсан Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига равнақ тилаб, энг яхши тилакларимни билдираман.

Сизга камоли эҳтиром билан

Индонезия Республикасининг Президенти

СУХАРТО.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом КАРИМОВ жаноби олийларига

Жаноби олийлари! Ҳиндистон Республикаси 1990—1991 йилги Жавоҳарлал Неру номидаги мукофотни Ўзбекистон Фанлар академиясининг профессори Азимжонова Сабоҳатхонимга беришга қарор қилганини эҳтиром билан маълум қилишга мушаррафман.

Бу нуфузли мукофот профессор Азимжонова ва унинг Ҳиндистон тўғрисидаги машҳур асарлари учун берилди, бу асарлар халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришда ва икки мамлакат ўртасидаги дўстлик анъаналарини мустаҳкамлашда катта ўрин тутади. Шунингдек, бу мукофот Ҳиндистонда Сизнинг мамлакатингизга самимий ҳурмат билан қараларетганинг рамзидир, 1991 йил август ойида Сиз жаноб олийларининг мамлакатимизга ташрифингиз чоғида Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида ўрнатилган бевосита хилма-хил алоқаларга бу ерда катта аҳамият берилаётганлигининг далили ҳамдир.

Мавриди келганидан фойдаланиб, Сизга юксак ҳурматимни яна бир бор изҳор этаман.

Ашок МУКЕРЖИ,
Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги мувақкат ишлар вакили.

Ш. РАШИДОВ ЮБИЛЕЙИНИ ЎТКАЗИШ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

● 13 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини ўтказиш ташкилий комиссиясининг дастлабки мажлиси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, юбилей комиссиясининг раиси Исмоил Жўрабеков кириш сўзида яқин ўтмишда собиқ Марказ гумашталари томонидан Ўзбекистонга, унинг меҳнаткаш халқига, ўша пайтда республикага раҳбарлик қилган Шароф Рашидов шаънига маломат тошлари отилгани ҳақида гапирди.

Шароф Рашидов ўттиз тўрт йиллик раҳбарлик фаолияти давомида шаҳар ва қишлоқларни обод қилишга, саноат ва маданиятни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. У бағрикенглиги, меҳрибонлиги, ходимларни танлай билиши ва қадрлаши билан ажралиб турган арбоб эди. Аму-Бухоро канали, Мирзачўлда қад ростлаган шаҳар ва қишлоқлар, Хоразм ва Қорақалпоғистондаги темир йўл, Тошкент метроси, Фарғона водийсидаги кўплаб саноат корхоналари ва иншоотлар тарихи у кишининг номи билан боғлиқдир.

Шароф Рашидовнинг адиб сифатида ҳам, ўзбек адабиётида муносиб ўрни бор.

Саксонинчи йилларнинг ўрталарида ҳуруж қилган ивогарона сиёсат — «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» жазавасида марҳум Ш. Рашидов руҳини чирқиратиш, қабрдан қабрга кўчириш, бу билан халқ қадриятларини оёқости қилиш каби қабиҳ режалар эндиликда фош бўлиб қолди.

Бугун Рашидов номини тиклаш асосида бир вақтлар унинг шаънини бадном қилганлар яна минбарларда, матбуотда пайдо бўлиб, мунофиқларча хотираларини достон этиш пайида юргани ҳам сир эмас. Ортиқча ҳамду санога ўрин бўлмаслиги керак. Рашидовнинг фаолияти камчиликлардан ҳоли бўлмаган, албатта. Аммо халқимизнинг ихлоси, инсоф-диёнат юзасидан ҳам у кишининг номини тикламоқ бурчимиздир.

Мажлисда сўзга чиққан раҳбар ходимлар, ҳокимлар, ёзувчи ва шоирлар ана шу ҳақда гапирдилар, Шароф Рашидовнинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида фикрлашиб олдилар.

Комиссия мажлисида 1992 йилнинг июнь-ноябрь ойларида бажариладиган ишлар, вилоятларда ўтказиладиган тадбирлар муддати, Шароф Рашидов музейини ташкил қилиш, унинг номини абадийлаштириш, асарларини, хотира китобини чоп этиш ва бошқа масалалар юзасидан ишчи гуруҳларини тузиш режалари тасдиқланди.

Юбилей тантанаси шу йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Мажлисда Шароф Рашидов туғилган куннинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш хусусида комиссиянинг жамоатчиликка Очиқ хатини матбуотда эълон қилиш таклифи маъқулланди.

(ЎзА).

Шарофнома

ДАВОМ ЭТАДИ

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов халқимизнинг ҳақиқий маънодаги отахони, истеъдодли раҳбари эди. У жонажон Ўзбекистонимизни ҳар томонлама тараққий эттиришни, унинг равнақини ҳар нарсадан устун қўярди. Бинобарин, Шароф Рашидов бутун раҳбарлик фаолияти давомида республикамизнинг гуллаб-яшнаши учун жон куйдирган фидойи инсондир.

Жумладан, у кишининг илм-фан, адабиёт ва санъат, матбуот ва маърифат, тиббиёт ва олий таълимни ривожлантириш учун жуда кўп хизмат қилганлиги ҳаммага аён.

Айниқса, унинг номи биз «Ўзбекистон овози» рўзномасининг ижодий жамоаси учун ғоят қадрлидир. Маълумки, Ш. Рашидов отахон газетага муҳаррирлик қилганлар. Шу боис ҳам «Ўзбекистон овози» жамоаси республикада биринчилар қатори «Марҳумлар сўроқ қилинмайди» (Муаллиф — Ш. Убайдуллаев), «Ёруғ юзли ўзбегим» сингари қатор мақолалар билан чиқиб, уларнинг давоми сифатида «Шарофнома»ни бошлаб берди. Бундан жуда кўп кишилар, муштарийлар миннатдор эканликларини, у зотнинг руҳлари шод бўлажагини билдирмоқдалар, хотираларини юбормоқдалар. «Шарофнома» давом этади.

Шароф Рашидовнинг хотирасини тиклашда мураккаб бир вазиятда республикамиз Президенти жуда катта мардлик қилди. Бошқача айтганда, у халқ ҳоҳиш-иродасини рўёбга чиқарди. Мана, унинг 75 йиллигини ўтказиш бўйича комиссия тузилди. Ҳозир кўп жойларда бу юбилейга катта ҳозирлик кетмоқда.

Бугун эса рўзномамизда ана шу комиссия аъзоларининг атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Ш. Р. Рашидов таваллудининг 75 йиллигини нишонлаш бўйича Ўзбекистон халқига Очиқ хатини эълон қилмоқдамиз.

ХАЛҚ МЕҲРИ АБАДИЙДИР!

АТОҚЛИ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ, ЁЗУВЧИ ШАРОФ РАШИДОВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 75 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ НИШОНЛАШ ХУСУСИДА

ОЧИҚ ХАТ

ТАРИХДА шундай шахслар борки, уларнинг таржимаи ҳоли мамлакат тарихи билан чамбарчас боғланиб кетгандир. Бундай кишиларнинг босиб ўтган йўлини тарихдан сидириб ташлашга уриниш бориб турган нодонликнинг ўзгинасидир. Тарихий шахслар ўз ўрнига қўйилмас экан, бундай тарих кемтикликка маҳкумдир. Бундай кемтикликни ўз даври тикламаса, келажак албатта тиклайди. Вақт буюк ҳакам, у ҳамма нарсани ўз ўрнига қўяди.

Шароф Рашидов бизнинг мамлакат тарихида ана шундай ўрин тутган шахсдир. У халқ қалбида ўзига хос ўчмас ҳайкал қолдирди, тиригидаёқ бутун Шарқнинг ифтихор билан тилга оладиган фарзандига айланди.

Бизнинг асримизда Шароф Рашидов номи ўзбек халқининг рамзи бўлиб жаҳонда янгради. Жаҳон уни атоқли адиб ва йирик давлат ва жамоат арбоби сифатида биларди ва тиригидаёқ тан олган эди. У давлат арбоби сифатида жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларида бўлди ва ҳамма жойда халқларнинг меҳр-муҳаббатини қозонди. Ёзувчи Шароф Рашидовнинг асарлари дунёнинг қирқдан ортиқ тилларига таржима қилинди. У кенг қамровли ижодкор, меҳри-саховатли инсон, донишманд давлат арбоби эди. У ўз халқи қалбида ана шундай ўчмас из қолдирди.

...Шароф Рашидов 1917 йил 6 ноябрда Жиззах шаҳрида деҳқон оиласида дунёга келди. Отаси Рашид бобо Халилов дастлаб «Қизил карвон», кейинчалик Сталин деб номланган колхозда аравакаш, онаси Қўйсиной буви уй хизматчиси эди. Ака-ука пахтакорлар — Рашид бобо ва Ҳидир бобо Халиловларнинг довруғи эллигинчи йилларда республикада таралган эди. Пахта фронтида жавлон уриб чигит эккан, поча шимариб сув тараган, кетмон уриб ғўза чопган оппоқ чўққи соқолли бу икки мўйсафидни жиззахликлар яхши эслашади. Уларнинг бири — Шароф Рашидовнинг отаси, иккинчилари амакиси эди...

Шароф Рашидов 1933 йилда Наримонов номли етти йиллик мактабни, 1936 йилда Жиззах педагогика техникумини, 1941 йилда эса — Ўзбекистон (ҳозирги Самарқанд) Давлат университетини тамомлади. Университетда таълим олиш давомида у «Ленин йўли» вилоят газетасида аввал масъул котиб, сўнгра масъул муҳаррир ўринбосари ва 1941 йилдан масъул муҳаррир бўлиб хизмат қилди. 1941 йилнинг август ойида Шароф Рашидов журналистик қаламини жанговар қуролга алмаштирди ва фронтга жўнаб кетди. 1942 йилда Шимолий-Ғарбий фронтнинг 38-ўқчи бригадаси политруки катта лейтенант Шароф Рашидов оғир ярадор бўлиб юртига қайтди.

Шароф Рашидовнинг таржимаи ҳолига назар ташлаганда у билан ҳаётда ёнма-ён одимлаган сафдошлари ҳам унинг ҳайратомуз ҳаёт йўлидан чуқур завқланадилар. Бир неча вақт мактабда муаллим, вилоят газетасида масъул муҳаррир ва ниҳоят университетни тамомлаб, жанг майдонларини кечиб, қирғинбарот урушни ҳам бошдан кечирганда Шароф Рашидов эндигина 25 баҳорни қаршилаганди, холос. Бироқ у катта ҳаёт йўлини босиб ўтишга улгургани шубҳасиз эди. Булар барчаси унинг кейинги сермазмун ҳаёт йўлида айниқса асқотди.

(Давоми иккинчи бетда).

ХАЛҚ МЕҲРИ АБАДИЙДИР!

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ўттиз ёшида «Қизил Ўзбекистон» республика газетасининг бош муҳаррири ва бироздан кейин Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи Президиумининг ҳам раиси бўлди. Ўттиз уч ёшида Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Раиси бўлган Шароф Рашидов ўша йилларда ва ундан кейин ҳам Совет Иттифоқи Республикалари тарихидаги энг ёш Президент бўлиб қолди. Бу олий вазифада 9 йил ишлаган Шароф Рашидов 1959 йил март ойида қирқ ёшида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби вазифасига сайланди. Шароф Рашидов бу юксак вазифада умрининг охиригача қарийб 24 йил ишлади.

Шароф Рашидовнинг таржимаи ҳоли қисқача ана шундан иборат. Унинг ҳаёт йўлини халқимиз чуқур миннатдорчилик ва катта ҳурмат билан ёдга олишини инкор этиб бўладими? Афсуски, ҳақиқатнинг кўзига чўп солганлар ҳам бўлди.

Беайб — парвардигор, дейдилар. Шароф Рашидовнинг инсонга хос хатолари бўлиши табиий. Бироқ марҳум шаънига отилган таъна тошлари адолатдан бўладими? Узоққа бормайлик, уч—тўрт йил муқаддам Шароф Рашидовни «оммавий қоралаш»га бўлган уринишни бир эслайлик: «Шароф рашидовчилик» деб аталган бўҳтонни ўртага ташлаган одамлар кимлар эди ўзи? Улар ўзларининг носоғлом, маиший бузуқ ҳаёт тарзи ва ўз халқига қилган хиёнатни нима билан ниқоблаган эдилар? Узоқ йиллар ўзбек халқига етакчилик қилган Шароф Рашидовдек мусаффо қалбли инсонни қоралаш аслида кимга ва нимага керак бўлган эди? Республиканинг биринчи раҳбарини қоралаш аслида унинг халқига обдон лой чаплаш учун керак бўлган эди. Бир гуруҳ аламзадалар хиёнатга эрк бердилар. Тарихда ҳам барча халқларнинг ўз ичидан чиққан хоинлар ана шундай йўл тутганлиги маълум. Бу эса Москванинг мустамлака сиёсатига ҳам мос тушарди. Йигирманчи ва ўттизинчи йилларда ҳам бизнинг тарихимизни обдон оёқ ости қилиш уларга ана шунинг учун керак бўлганди. Ўшанда ҳам халқни аввало ўз ичидан чиққан хоинлар сотганлиги маълум. Тўрор Рисқулов, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Султон Сегизбоев, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий каби улуғ зотлар, Туркистоннинг минг-минглаб ардоқли фарзандлари босқинчилар ва хоинларнинг қурбони бўлган эдилар. Афсуски, 80-йилларда Туркистон узра қатағон қиличи яна кўтарилди. Бу қиличга дастлаб нега марҳум Шароф Рашидов дуч келди?

Бу саволга жавоб топишдан олдин собиқ Совет Иттифоқининг ҳамма регионларига бир назар ташлаш ўринли бўлур эди. Маълумки, тарихда ҳам умумқатағон мустамлака республикалар, барча миллату элатлар устига бирдай ёпирилган. Унинг даражаси турлича бўлса-да, тўфони бир хилда юз берган. Йигирманчи ва ўттизинчи йилларда ҳам шундай бўлган: қатағон бутун Совет Иттифоқини ва барча миллату элатларни бирдай ўз домига тортган. Бироқ қаерда аҳиллик ва бирдамлик, миллий ғурур бутун бўлса, ўша ерда талафот камроқ бўлганлигини кўрамиз!

САКСОНИНЧИ йиллар қатағонида ҳеч бир республика Ўзбекистончалик талафот кўрган эмас. Нега шундай бўлди? Нега бизнинг халқимиз энг оғир кунларга қолди? Нега бутун Иттифоққа «Ўзбек мафияси», «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» каби даҳшатли айбномалар, халққа қарши қилинган бўҳтон бунчалар кенг тарқатилди? Саксонинчи йиллар қатағони нега Ўзбекистонни ҳаммадан кўпроқ ўз домига тортди? Нега биз Ўрта Осиёдаги ёнқўшниларимиздан, барча-барчадан кўпроқ ва оғирроқ жароҳат топдик? Нега Гдлян ва Иванов бошлиқ жазо лашкари Амир Темурдек соҳибқирон Ватани, Ўзбекистондай тарихий ва қадимий бир республикани бунчалар бадном қилишга муваффақ бўлди? Дунёнинг яна қайси бурчагида 80-йилларда бунчалар кўп одам қамоққа ташланди? XX асрда жаҳоннинг қайси қитъасида халқ ардоқлаб дафн этган марҳум арбобни гўридан олиб, гўрга солдилар? Республика раҳбарларини Москва турмасида узоқ муддатли тутқунликда сақлаш каби бедодлик XX асрнинг босқинчилик ва мустамлакачилик тарихида яна қаерда, яна қай мамлакатда юз берганини ким билади?

Йўқ, бундай мудҳиш адолатсизлик на мустамлака Африкада, на мустамлака Ҳиндистон тарихида юз берганди. Чунки, у юртнинг хоинлари бунчаликка боришмаган! Бизда эса, на тирикларни, на марҳумни аядилар. На ватандошга, на миллатдошга раҳм-шафқат қилдилар. Кимнинг оёғи тойилса, иккинчиси унинг хизмат ўриндиғига ёпишди. Оқибатда биров йиқилганда бошқалар қарсак чалиб турдилар. Бир-бирини чалиш бошланди. Биз-нинг халқимиз ана шундай оғир кунларни бошдан кечирди. Уруш жароҳатидан кам бўлмаган қора кунларнинг гувоҳи бўлди. Бироқ, бу кунлар ҳам бизга тарихдан, кечаги кунимиздан сабоқ бўлиб қолиши керак. Биз оқу-қорани танидик, одамларни одамлардан ажратишга муяссар бўлдик.

Марҳум Шароф Рашидов ҳоки совумай туриб, унга бурчак-бурчакдан тош отишлар бошланди. «Арслон»дан азият чеккан бўрилар ва тулкилар майдонга чиқишди. Аллаким унинг даврида адолатсизлик ва сиқувлардан узоқ йиллар азоб чекиб келган эмиш?.. Яна аллаким ҳукумат раҳбарлигидан четлаштирилиб, «террор» қилинган эмиш?.. Аслида бу «мунгли қўшиқ»ларнинг ижодкорлари ким ва улар ортида кимлар турганлигини халққа ақалли бугун — қора булутлар тарқаган кунда айтиб берсалар яхши бўларди! Шароф Рашидовни қора бўёққа чаплаш, Рашидов даврини, унинг атрофида турганларни, республика шаъни ва мавқеини қоралаш, маънавий ботқоққа чўктиришнинг аслида ўриш—арқоғи жуда баланд — КПСС Марказий Қўмитасида пухта ишлаб чиқилган эмасмиди! Ўзимиздан чиққан бир гуруҳ халқ хоинлари эса чуқур ўйланган бу макр-ҳийланинг юзларига ғоғина парда тортган нодон, шармсиз ўйинчилари эди, холос!

Агар чуқурроқ қаралса, ўз халқига, ўз юртига ва ниҳоят Шароф Рашидовга тош отганлар ҳам, қуллик, қарамлик, мустамлака, нотанти замоннинг қурбони бўлганини ўзлари ҳам сезмай қолдилар... Бугун халқ, эл-юрт олдида уларнинг икки юзлари ҳам қора! Улардан тавба-тазарру талаб қилишнинг ҳам ҳожати йўқ!

Хўш, Шароф Рашидов даври бизнинг республика халқимиз тарихида қандай ўрин тутади. Жонажон Ўзбекистонимиз санасида бу йилларни биз қандай эслаймиз? Бу давр хусусида халқ фикри ва вақт ҳукми қандай? Халқ ўзининг ўтмиш раҳбарини қандай хотирламоқда-ю, унга лой чаплаган бир гуруҳ тошотарларни қандай эсламоқда?

Халқ баҳоси ҳақида фикр юритадиган бўлсак, бу борада худога минг шукурки, энг оғир йилларда ҳам халқимиз Шароф Рашидов хусусидаги ўз хулосасидан заррача чалғиган эмас! Бизнинг бунга имонимиз комил! Шароф Рашидов асарлари ва унинг портретлари минглаб ўзбек хонадонида ардоқланиб, сақланиб келаётганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Шароф Рашидов номи халқ қалбида яшамоқда!

Маълумки, Шароф Рашидов ҳақида бор ҳақиқатни айтиш жасорати Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов номи билан боғлиқ. Ислом Каримов республика Олий Кенгаши минбаридан илк бор Шароф Рашидов номини тилга олганда Олий Кенгаш депутатларининг гулдурос қарсагидан зал қалқиганини ойнаи жаҳондан бутун мамлакат кўрди ва халқ орзиқиб кутган бу манзара ҳамон кўз ўнгимизда! Республика қишлоқ хўжалиги илғорлари қурултойида Халқлар дўстлиги саройини ларзага солган қарсак ва ҳаяжон ҳам Шароф Рашидов номини тилга олиш билан боғлиқ бўлганлигини ким эсламайди, дейсиз! Яқин ўтмишда ҳар икки залда марҳум Шароф Рашидов номига бўҳтонлар ёғдирилганда ҳам мана шу залларнинг деворлари гувоҳ эди! Мустамлака замин бундай адолатсизликка бардош берган, сукут сақлаган эди. Босқинчилар оёғи остида неча бор ноҳақ топталган она замин ўз фарзанди сиймосида яна бир бор бешафқат, хиёнаткорона топталган, камситилган ва лойга қорилган эди! Буларнинг барчаси 20 миллион республика халқи кўзи олдида ижро этилди! Энг даҳшатлиси, барча мудҳиш қарорлар халқ номидан амалга оширилди! Ўз халқининг иродасига қарши борган бир гуруҳ қора юраклар ана шундай қабиҳликка ча бориб етдилар!

Биргина мақолада биз Шароф Рашидов даврига баҳо беришга уринмаймиз ва бунга даъво ҳам қилмаймиз. Шароф Рашидовга, унинг республикага раҳбарлик қилган салкам чорак асрлик даврига ўша йилларнинг осмонўпар қурилишлари, республика харитасида пайдо бўлган ўнлаб шаҳарлар, вилоят ва район марказлари, шарқираб оққан каналлар, минглаб километрлик йўллар, қолаверса, Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Ёзёвон, Сурхон-Шеробод қўриқлари, ўнлаб ГЭСлар ва ГРЭСлар, юзлаб завод ва фабрикалар гувоҳлик бериб турибди! Уларнинг кўплари пойдеворида Шароф Рашидов абадиятга қўйган тарихий «авлодларга мактублар» хати бор!

Шу жумладан, Шарқдаги энг муҳташам ва мукаммал сарой саналмиш Халқлар дўстлиги қасри пойдеворида ҳам Шароф Рашидов қўли билан битилган «мактуб» жой олган... Токи ер юзида бу муҳташам бино ва саройлар қад ростлаб турар экан, Шароф Рашидов номи яшайди! Шароф Рашидов номи устидан бир неча хусумат чизиғини тортиш билан унинг номини тарих саҳнасидан ўчирдик, бу билан марҳумни абадул-абад жарга қулатдик дейиш кўрлик ва нодонлик-ку, ахир!

Инсоф билан айтганда, Амир Темур давридан кейин Ўзбекистонда бундай қурилишлар рўйхати ва чегараси бисёрмиди? Ахир улуғ бобокалонимиз Амир Темурни ҳам тарих қаърига қанчалар чуқур кўмдик, бадном қилдик деганларнинг барчасининг номи тарих саҳифасидан ўчиб битди, онда-сонда яккам-дуккам қолганлари ўзи чаплаган бўҳтон ботқоғида шармандан-шармисор, бироқ улуғ ва буюк соҳибқирон Амир Темур номи яшамоқда!

Айрим ҳолларда узоқ ўтмиш ва тарихдан яхши хабардор бўлмаганлар даврасида Шароф Рашидов шаънига яна бир бўҳтон оғиздан-оғизга кўчиб юргани қулоққа чалинади. Бу Орол қисмати билан боғлиқ фожиадир. Биз Шароф Рашидов Орол қисмати ва тақдири хусусида алоҳида қайғуриб келганлигига гувоҳмиз. Биз яна шунинг шоҳидимизки, Шароф Рашидов яшаган ва раҳбарлик қилган замонда Оролнинг қисматида бирон бир жиддий ўзгариш ясаш амалда мумкин эмасди! Лекин шунга қарамай, Шароф Рашидов Сибирь дарёларини Оролга оқизиш хусусидаги ҳақли равишда «Аср лойиҳаси» деб ном олган тарихий лойиҳани қун тартибига қўйган ва уни ўз пайтида Москва яккаҳокимлиги шароитида ҳам етарлича ҳимоя қила олган эди! Бироқ Ш. Рашидов вафотидан кейин унинг қабрига тош отган хоинлар ва гумроҳлар бу лойиҳани ҳам ўзбекнинг кўпдан кўп бойликлари каби бой бердилар! Ҳатто ўзимиздан чиққан гумроҳлар ўша қатағон йилларида бу лойиҳага ҳам уялмай-нетмай тош отиб майдонга чиқдилар. Миллиардлаб сўм харажатлар кетган лойиҳа ҳам тинчиди, Орол ҳам қуригандан қуриди!

ЯНА бир тарихий ҳақиқатни эслатиб ўтиш жоиздир. Орол кўҳна тарихда ҳам бир неча бор қуриб битган, айрим ҳолларда унинг ўрнида туз конларигина қолган ва асрлар давомида яна денгиз ўзининг лиммо-лим ҳолатига қайтган. Албатта, у пайтларда ҳеч ким денгизнинг ер юзидан барҳам топишига аллақандай бир шахс ёки ҳукмдорни сабабчи қилиб кўрсатмагани аниқ. Тарихдан маълумки, Орол чўкканда Каспий тошган ва аксинча Орол ўз ҳолига қайтганда Каспий денгизи чўкканлиги кузатилган. Албатта бунинг заминини тарихий манбалардан излаш ва асослаш керак бўлади... Яна шу нарса ҳақиқатки, Орол сувини Шароф Рашидов ёки бошқа бironта раҳбар чет элга сотмаган! Уни биз юқорида эслаб ўтган Мирзачўл, Қарши, Жиззах ва бошқа чўллар бағрида ўзлаштирилган миллион гектарлаб экин майдонлари сипқоргани ҳам аниқ! Республика озиқ-овқат маҳсулотининг учдан икки қисми ана шу чўллар бағридан юлиб олинган янги ерлар чекига тўғри келишидан ўша кароматчилар хабардормикинлар? Қолаверса, Оролдек денгиз хусусида жавобгарликни бир шахснинг зиммасига ортиш ҳам инсофдан эмаску! Орол тақдири собиқ Иттифоқнинг беш республикаси ва Афғонистон давлатининг аграр сиёсати билан ҳам боғлиқ эканлигини унутмаслик лозим.

Эндиликда баъзи бировлар 80-йиллар бизнинг республикамизда юз берган қўрғуликларни «қайта қуриш» сиёсати билан боғлашга уринадилар. Бу ҳам асосий сабаб эмас, албатта. «Қайта қуриш» фақат бизнинг республикада эсган тўфон эмас. Агар 80-йилларнинг ўрталарида кечган сиёсий мустамлакачилик хуружини назардан ўтказар эканмиз, Марказдан сиёсий ва жисмоний қатағонни Қозоғистондан бошлашга уриниш бўлганлигини кўриш мумкин. Бироқ марказ бунинг уддасидан чиқа олмади. Чунки қозоқ ёшларининг миллий ғурури бунга йўл бермади. Қозоғистоннинг кўп йиллик раҳбари, узоқ йиллар Шароф Рашидов билан ёнма-ён ишлаган сафдошлар, бир неча бор мансабдан-мансабга кўтарилиб, Шароф Рашидов қўлидан қайта-қайта оқ фотиҳа олган кўрнамаклар эди! Сотқинлар номини келтириб ўтиришга бугун ҳожат йўқ, деб ўйлаймиз. Халқимиз уларни номма-ном билади! Кейинчалик уларнинг кўпларини Шароф Рашидовнинг арвоҳи урди! Бир қисми ўзлари манманлик ва нодонлик билан қазинган чоҳга ўзлари қулаб, зиндонларга тушдилар, қолганлари ҳам эл-юрт олдида шармисор бўлишди! Эндиликда уларнинг айримлари ўтмишдаги ўз қилмишлари учун тавба-тазарру хотиралари ёзиб, матбуотларда эълон қилишга ошиқмоқдалар. Кеч бўлса-да, инсоф ва диёнат қўзғалганига шукур. Бироқ бир қисмлари қоронғуни кутган чаён каби пайт пойлаб, ўзларининг эски инига кириб кетишди. Бироқ биз уларни таъна тоши отиб, безовта қилиш ниятидан йироқмиз.

Биз Шароф Рашидов даврига баҳо беришда яккаҳокимлик қилишни истамаймиз. Ўйлаймизки, бошқалар ҳам ўз фикрини айтадилар ва биз ҳар қандай эътирозни қабул қилишга, баҳсга баҳс, мушоҳадага мушоҳада билан жавоб қилишга тайёрмиз! Шу ўринда биз унда-бунда минғиллаб айтилган яна бир танъага жавоб бериб кетишни ўз бурчимиз деб биламиз. Бу Шароф Рашидов кўксига қадалган ҳукумат мукофотлари хусусида. Унинг мухолифлари Шароф Рашидовни «мукофотпараст» деб жар солишдан тоймадилар. Бу нечоғлик ҳақиқатга мос тушади?

Маълумки, Шароф Рашидов деярли 34 йил бошқарган республиканинг ўзида ҳам ўнлаб олий даражадаги мукофотлар мавжуд эди. Турли-туман соҳаларнинг лауреатидан тортиб, арбоблик унвонларигача инъом этиш республиканинг ўз эмин-ихтиёрида эди. Шароф Рашидов неча ўн йиллар шу унвону мукофотлар тақдирини ҳал қилувчи шахс бўлиб, республика теппасида турди. Инсоф билан айтганда, шу мукофотлар ва унвонларга унинг муносиблиги хусусида шубҳа ҳам йўқ эди. Бироқ неча ўн йиллар давомида у республика миқёсидаги ҳар қандай мукофоту унвонлар ҳавасидан ўзини сақлай билди! Ўз қўлидаги мукофотлардан биронтасига қўл чўзмади ва кўз олайтирмади! Қулоқбошида туриб, бирон марта ўз кўнгил чарбоғига сув очмади. Тўғри, унинг кўксида жанговар орденлари билан бир қаторда Москва инъом этган ўнта Ленин ордени, икки марта Қаҳрамонлик унвони, Ленин мукофоти лауреати каби ўз даврининг олий мартабали нишонлари жой олганди. Бироқ бу мукофот ва унвонлар Шароф Рашидовнинг ёлғиз ўзига тегишли эдими? Ахир бу мукофотлар республиканинг умумиттифоқдаги юксак мавқеини ҳам белгилар ва шубҳасиз қай даражададир республикага бўлган ҳурмат ва эҳтиромни ҳам таъминлар эди-ку! Қайсидир республика вакилининг Сиёсий бюро таркибида бўлиш-бўлмаслиги якка бир шахснинг эмас, балки бутун бир республиканинг ҳам фахри бўлганлигидан наҳотки кўз юмиш мумкин? Бу ҳақиқатдан кўз юмиш эмасми? Хўш, Шароф Рашидов бу мукофотлардан қай бирини ўзи билан олиб кетди?

Шароф Рашидовнинг Москва томонидан мукофотлар ундириш ёки тақдирланиши унинг мукофотпарастлигини кўрсатувчи мезонми? Буюк кишиларнинг тарихдаги ўрни ва хизматини майда-чуйда нарсалар билан камситиш адолатданми? Тошкент зилзиласи куни тонг саҳарлаб Иттифоқнинг биринчи раҳбарларини Москвадан Тошкентга тортиб келиш, зилзила оқибатларини тугатиш учун миллиард-миллиард сўмлаб маблағ ва ёрдам ундириш, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда биринчи, Иттифоқда тўртинчи метрони Тошкентда қуриб, қисқа муддатда ишга тушириш каби сиёсий ва иқтисодий аҳамияти бир-биридан кам бўлмаган оламшумул воқеаларнинг бошида туриш фақат Шароф Рашидовга муяссар бўлган эди!

Табиийки, Шароф Рашидов — давр фарзанди. Ҳар бир шахсга баҳо берганда, албатта, ўша даврнинг мураккаб ижтимоий-сиёсий шароитларидан келиб чиқиб иш тутиш лозим! Ҳар бир даврнинг ўз ўлчов тоши борлигини унутиш адолатсизлик бўлур эди! Шароф Рашидовнинг аламзада мухолифлари унинг ҳар бир хайрли қадамидан ана шундай адолатсизлик нуқсини топишга уриндилар.

МАРҲУМ Шароф Рашидовга қўйилган айбномалардан яна бири — «Пахта иши» деб номланган эди. Бу сиёсатнинг ортида ҳам кимлар турганлигини бугун ўзбек халқи яхши билади. Бир пайтлар Гдлян ва Ивановлар бошлиқ жазо отрядининг номи тилларда «достон» бўлди. Жазо отрядининг ортида турган кучлар узоқ пайт пинҳоний сиёсат олиб бордилар. Разил ва баттоллиги бирмунча кеч фош бўлган Лигачев, Разумовский, Могильниченко, Бессарабов, Смирнов, Понамарёв каби КПСС Марказий қўрғонида ин қуриб олган риёкорлар ортида ким турганлиги ҳам кўп вақт сир сақлаб келинди. Бу Горбачев эди! Горбачев ва горбачевчилар ўз юртида кимни сотиб, кимга сиғинганини муҳокама қилиш бизнинг ишимиз эмас, бироқ бизнинг она Ўзбекистонда бўлган барча бедодликлар ва қирғинлар тепасида ана шу мулойим, бироқ муғомбир шахс жилмайиб турганлигини бугун яхши биламиз. Бугун у ҳам ўз қилмишига яраша қисмат топганлигини кўриб турибмиз. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Тепада ҳаммасини адолат тарозусида бехато ўлчаб турувчи Оллоҳ бор!

Бироқ «Пахта ишида» биз барчани бир варакай оппоқ эди дейиш фикридан йироқмиз. Барча соҳаларда бўлгани ва барча минтақаларда учрагани каби, жиноий гуруҳлар пахта етиштириш ва тайёрлаш соҳасида ҳам мавжуд эди. «Пахта иши» ниқобида бутун бир халқни қаллобликда, ўғирликда айблаш эса мутлақо ноҳақлик, ана шу бўҳтоннинг илдиз отишида ҳам ўз халқимиз ичидан отилиб чиққан хоинлар ва аламзадалар иш берди. Улар жазо отряди тўдалари қанотига бирикиб, Шароф Рашидовга садоқатли кишиларни «фош» этиш билан шуғулландилар. Одамлар узундан-узоқ «рўйхат» асосида қамоққа олинарди. Бундай «рўйхат»лар ҳар бир вилоят учун алоҳида тузилган эди. Унинг ижодкорлари бугун турли-туман минбарлардан адолат, садоқат хусусида сафсата сотиб келадилар. Бундай жазо рўйхатларини Гдлян билан «қўлни-қўлга берган» олий мартабали «раҳбар»ларимиз, республикага оталиқни даъво қилган «фахрийлари»миз, қанчадан-қанча «арбоб»ларимиз «жазо рўйхатлари»ни тузиш билан шахсан шуғулланганлигини қандай унутиб бўлади? Афсуски, фактлар шуни тасдиқлайди! Айни пайтда, «Пахта иши»нинг батамом чок-чокидан сўкилиб, ўзбек халқини бу бўҳтон балосидан халос қилиш ва минг-минглаб жабрдийдаларни оқлаш, ва борингки, бир қисм айбдор шахсларни афв этиш каби юксак ватанпарварлик, халқпарварлик ва инсонпарварлик жасорати ҳам Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканлигини эндиликда ҳамма билади!

Шунингдек, Шароф Рашидов ҳақидаги адолатли сўзни биринчи бўлиб айтиш жасорати ҳам айнан Ўзбекистон Президенти номи билан боғлиқ бўлди. Айни пайтда Ислом Каримов Шароф Рашидовга бўлган шахсий садоқатини эмас, балки халқнинг Шароф Рашидовга нисбатан бўлган самимий муносабатини, меҳрини, садоқатини ифодалаганига шубҳа йўқ. Бу эса, Ўзбекистон Президентига ҳақли равишда халқ меҳрини яна ҳам товлантирди.

Ушбу Очиқ хат Шароф Рашидовни оқлашни ёки кўкларга кўтаришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. Дарвоқе, Шароф Рашидов руҳи на оқлашга, на мақтовга муҳтож эмас. Халқимиз аллақачон унга ўз қалбидан кенг ўрин берган. Бизнинг ушбу мурожаатимиз Шароф Рашидов ҳақидаги ягона бир ҳақиқатни эслатиб ўтиш бўлади, холос. У ҳам бўлса, Шароф Рашидовнинг яқинлашиб қолган 75 йиллигини унинг Ватани — Ўзбекистонда муносиб нишонлаш ҳақидаги даъватдир.

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, адиб Шароф Рашидов тиригида бирон бир ёшини нишонлашга йўл қўймаганлиги ҳам ҳақиқатдир. Шахсан унинг ўзи на 50, на 60 ва на 65 ёшини нишонлашга ижозат этмаганди. Биз буни яхши биламиз. Ҳатто бу ҳақда республика матбуотида яккам-дуккам пайдо бўлиб қолган учуруқ мақолалар ҳам унинг жиддий эътирозига сабаб бўлганлигидан ҳам яхши хабардормиз. Шароф Рашидов республикада минг-минглаб олимлар, ёзувчилар, маданият ва санъат арбобларининг, деҳқонларнинг юбилей тўйлари бошида турган эди. Бироқ, ўзига келганда у ҳамиша ва ҳар қандай юбилей тантаналарини қатъий суриб келарди. Унинг 70 йиллиги марҳумга тош отишлар авжга минган, оиласи, дўстлари, сафдошлари ва шогирдларининг маънавий ва жисмоний террор кунларига тўғри келганди!

Бугун Шароф Рашидов номи ва руҳи абадий биз билан бирга, унинг номи район, хўжалик ва шоҳкўчаларга қайтмоқда. Халқнинг иродаси ва талаби билан шундай бўлаётганига шубҳа йўқ, албатта. Адолат эртами-кечми тикланиши табиий эди. Шароф Рашидов шахси хусусида инсоф ва диёнатидан кечган айрим «арбоб»лар адашганда ҳам халқимиз заррача адашган эмас. Халқимиз Шароф Рашидовга бўлган ихлос ва сўнмас муҳаббати ва ихлосидан бир қадам ортга чекинган эмас! Радио, телевизорлар соқов, газета ва журналлар мажбуран гунг бўлганда ҳам халқ вакиллари тўйу маъракаларда, кўча-кўйларда ва ниҳоят, ўз қалбида унинг шаънини улуғлашни бир зум канда қилган эмасди!

Бас, шундай экан, халқ иродасига яна бир бор қулоқ осайлик: Шароф Рашидовнинг 75 йиллик тўйини умумхалқ тўйига айлантирайлик! Яхшилик ва эзгуликнинг эртами-кечми адолатсизлик ва ноҳақлик устидан тантана қилиши муқаррарлигига одамларни ишонтирайлик!

Яна шуни ҳам мардларча тан олиш керакки, Шароф Рашидов тақдири хусусида биз барчамиз ўзимизни маънавий жавобгар санаймиз ва буни эътироф этишимиз лозим. Начора, Шароф Рашидовга отилган туҳмат тошларига ўша пайтда кўксимизни биз ҳам тутиб бера олмаганмиз! Бешта, ўнта, юзта одам бу тошлар йўлини тўса олмас ҳам эди! Тўҳмат тўфони шу қадар кучли эдики, маълум муддат уни тутиб қолиш ихтиёрдан ташқари ҳолат кўринарди. Лекин кўплар қатори биз ҳам ич-ичимиздан эзилганмиз, эртами-кечми адолат қуёши балқиб чиқишидан умидвор бўлганмиз.

Ниҳоят, адолатли кунлар келган экан, марҳум устозимиз, дўстимиз, сафдошимиз, асримиз алломаси, халқимизнинг ардоқли фарзандларидан бири Шароф Рашидов руҳи олдидаги қарзимизни узайлик. 33 ёшида Ўзбекистон Президенти қилиб сайланган Шароф Рашидов ёзувчи ва давлат арбоби сифатида бир неча бор муборак ёшини нишонлашга маънавий ҳақли эди! Бироқ у юқорида айтганимиздек, бунга ҳеч қачон йўл бермаганлигини кўплар яхши билади. Табиатан туғма камтар, камсуқум, оддийлик томир-томирига сингиб кетган ва шу хислатлари билан ҳам ғоятда донишманд, буюк шахс бўлган Шароф Рашидов руҳи олдида биз, унинг замондошлари анча-мунча қарздормиз.

Биз Ўзбекистон фуқароларига, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга, кўп миллатли республика зиёлиларига, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларига, барча-барчага мурожаат қиламиз:

Шароф Рашидов 75 йиллик тўйи юзасидан тадбирлар белгиланса, бир умр мустамлака сиёсати алангасида тўлғаниб келган буюк арбобнинг мўътабар ёшини муносиб нишонлашга чорлаймиз. Бу борада республиканинг бир қатор вақтли матбуотлари, жумладан, «Ўзбекистон овози», «Халқ сўзи», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Туркистон», «Жиззах овози» газеталари ва «Ғулистон», «Мулоқот» журналлари ҳеч қандай даъватни кутмасдан бошлаган ибратли ташаббуслари мақтовга сазовордир. Бироқ Шароф Рашидов марҳаматидан кўп бор баҳраманд бўлган Ўзбекистон телерадиокомпанияси, Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси, «Ўзбектелефильм» студияси ва бошқа бир қатор вақтли матбуот нашрлари ақалли марҳум шаънига отган ўз тошларини қайтиб олишни ҳам ўйламаётирлар. Мана шундай бир пайтда томошабин бўлиб туриш инсофдан эмас, албатта.

Ўйлаймизки, Ўзбекистон жаҳонга таниқли бўлган, Шарқда маълум ва машҳур ўз фарзанди Шароф Рашидовнинг катта синовлардан ўтган 75 йиллигига бефарқ қараб турмайди. Бу кун кўп миллатли Ўзбекистоннинг умумхалқ тўйига айланиб кетишига шубҳа йўқ. Биз адолат тўла тантана қилишини истаймиз. Шароф Рашидов халқ қалбида эди ва халқ меҳри унга абадийдир!

И. Ҳ. ЖУРАБЕКОВ (Ш. Р. Рашидов таваллудининг 75 йиллигини ўтказиш Ташкилий қўмитаси раиси), Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ (масъул котиб); Ташкилий қўмита аъзолари: Ч. АБДИРОВ, П. М. АБДУРАҲМОНОВ, Э. БОТИРОВ, Д. С. ЕДГОРОВ, Б. ЖАЛОЛОВ, Жамол КАМОЛ, М. ЖУМАНИЁЗОВ, ЗУЛФИЯ, С. МАМАРАСУЛОВ, Муҳаммад ЮСУФ, З. МУҲАММАДЖОНОВ, У. З. ОЛИМОВ, А. ОРИПОВ, А. ПАЙҒАМОВ, Б. РАПИҒАЛИЕВ, Б. РАҲИМОВ, С. Д. САЙДАЛИЕВ, М. САЛОҲИДДИНОВ, М. М. РАСУЛОВ, О. У. САЛИМОВ, Э. ТУРСУНОВ, М. Б. УМУРЗОҚОВ, А. И. ФОЗИЛБЕКОВ, И. ФАЙЗУЛЛАЕВ, ШУКРУЛЛО, Қ. ХОЛМИРЗАЕВ, Ш. Ғ. ЯҲЁЕВ, К. Н. ЯШИН, М. ҚАЮМОВ, М. ҚОРАБОЕВ.

● Изоҳ: Шароф Рашидов ҳаёти ва ижодига оид хотиралар, ҳужжатлар, суратлар ва фикр-мулоҳазаларингизни қуйидаги адресга юборишингизни сўраймиз. «Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига, Ш. Р. Рашидов юбилейи комиссиясига».

тел: 39-80-41, 39-80-57, 39-55-15.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВНИНГ ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ЧИҚАДИГАН «Тон'А ИЛЬБО»— «ШАРҚИЙ ОСИЁ» ГАЗЕТАСИНИНГ МОСКВАДАГИ МУХБИРИ ТНЯН ХЕН ХУННИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ

● Собиқ СССР Республикаларининг дипломатия соҳасидаги фаоллиги давлат мустақиллигини мустаҳкамлашгина эмас, шу билан бирга жаҳон ҳамжамиятидаги бўлажак ҳамкорлар билан амалий алоқалар ўрнатишга қаратилган. Ўзбекистон Президентининг Сеулга бўлажак ташрифига ҳам шу нуқтаи назардан қарамоқ керак. Ислом Каримов ташриф арафасида Корея Республикасида чиқадиган «Тон'А Ильбо» газетаси мухбири билан суҳбатлашди.

— Хорижий сафарларингиз йўналишларига қараганда бу сафарлар Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантиришга доир дастурингиз доирасида ўтмоқда: Ҳиндистон, Туркия, Хитой... Энди навбат Жанубий Кореяга келди. Бу эса Ўзбекистон шу мамлакатнинг тажрибасидан фойдаланиши мумкин, деган маънони билдирадими?

— Шубҳасиз, ҳар бир ташриф, ҳар бир учрашув чоғида янги таниш орттирасиз, аввало, янги тажрибаларни ўрганасиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришганига яқинда бир йил тўлади. Тарих мезони билан қараганда, бу жуда оз муддат. Шунга қарамай, республика ана шу даврда чинакам истиқлол йўлидан илгарилаб кетди. Ўзбекистон Республикасининг БМТга аъзо бўлгани, юздан ортиқ мамлакат уни тан олгани халқимиз ўзлигини англаши тарихида бурилиш босқичи бўлди. Шуни дадил айтиш мумкинки, мустақиллик жараёни барқарор бўлиб, бизни танлаб олган йўлимиздан оғдириб юборадиган куч йўқ.

Аммо асосий қийинчиликлар ҳали олдинда турганлигини англаймиз. Буйруқбозлик-маъмуриятчилик тизимининг истиқболи йўқлигини тарих яққол кўрсатди, бу тизим фаолиятининг оқибатларини биз ҳозир кўриб турибмиз. Ҳозирги бўҳронни ўзимиз, ўз кучимиз билан бартараф этишимиз лозимлигини тушунамиз.

Шу билан бир вақтда жаҳон тажрибасини эътибор билан ўрганяпмиз, янги, чинакам гуллаб-яшнаган Ўзбекистонни барпо этишда жаҳон тажрибасининг кўп жиҳатлари фойдали бўлиши мумкин.

Ўзбекистон учун тараққиётнинг Туркия модели мақбуллиги тўғрисида гапирганимизда биз ундан кўр-кўрона нусха олмоқчи эмаслигимизни таъкидлаб ўтмоқчиман. Бизнинг ўз йўлимиз, жоиз бўлса, ўз ўзбек моделимиз бўлади. Аммо биз Туркиянинг энг яхши ютуқларидан, айниқса, давлат ва иқтисодий қурилиш соҳасидаги ютуқларидан фойдаланамиз, албатта. Жанубий Кореянинг тажрибаси ҳам биз учун жозибалидир, унинг жадал тараққиётига қойил қолмай бўлмайди.

— Тошкент билан Сеул ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари қандай?

— Менимча, бу истиқболлар бепоёндир. Чунки биз эндигина алоқаларни йўлга қўймоқдамиз. Мамлакатларимиз ўртасида бўлажак кўприкнинг биринчи устунига пойдевор қўйиш каби фахрли вазифа зиммамга тушганидан бахтиёрман. Бу кўприк мустаҳкам ва кенг бўлиши, ҳамиша иккала халққа хизмат қилиши учун бутун кучимни сарфлайман — ҳамкорларимиз бунга шубҳа қилишмасин.

Жуғрофия жиҳатдан олислигига қарамай, халқларимиз маданияти, урф-одатлари ва анъаналарида муштарак жиҳатлар кўплиги Корея билан Ўзбекистоннинг табиий равишда бирбирига яқинлашувига хизмат қилади. Мен буни шахсий тажрибамдан биламан. Олдинги йилларда ҳам Ўзбекистонда яшовчи корейслар билан учрашишимга ва ишлашимга тўғри келган. Муштарак иқтисодий манфаатларимиз мавжудлигига шубҳа қилмайман.

Ҳозирги Ўзбекистон ишбилармон кишилар учун очилмаган қўриқдир. Чунки биз иқтисодиётдаги чуқур бузилишлар оқибатларини тугатишимизга тўғри келади. Жаҳондаги кўплаб пахта етиштирувчи ўлкалардан бири бўлган республика ўз аҳолисини чит билан таъминлай олмаётганлиги ғалати эмасми? Бундай ғайритабиий аҳволга жуда кўп дуч келасиз. Меъёрий иқтисодий ёрдамчи соҳаларни барпо этишда, табиийки, бизга саноати ривожланган мамлакатлардан, шу жумладан, Жанубий Кореядан замонавий техника ва технология зарур бўлади, бунинг эвазига ҳамкорларимизга таклиф этадиган маҳсулотларимиз бор. Булар фақат хом ашё материаллари эмас, зеро Ўзбекистон хом ашёга бой республикадир. Олдинги ўн йилликлардаги барча бузилишларга қарамай, бизда маориф, илмий муассасаларнинг етарли даражада ривожланган тизими барпо этилган, ҳозирнинг ўзидаёқ жаҳон бозорига чиқишга тайёр турган корхоналар мавжуд.

Равшанки, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг имкониятлари ишнинг моддий томонлари билан тугамайди. Кенг маънавий, маданий алоқаларни йўлга қўйиш, шубҳасиз, халқларимизни маънавий жиҳатдан бойитади. Осиёнинг Ўрта Осиё ва Узоқ Шарқ минтақалари ўртасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка кўмаклашади.

— Ўзбекистон ўнлаб ўзга халқлар учун, шу жумладан, 190 минг корейслар учун Ватанга айланди. Маъмуриятингизнинг кичик халқларга нисбатан тутган йўлини қисқача сўзлаб бера оласизми? Сеулда давлатлараро масалалардан ташқари Ўзбекистондаги корейс жамоаси билан, хусусан уларнинг она юрти билан одамийлик алоқаларини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинадими?

— Ўзбекистон ҳақиқатан ҳам, кўп миллатли давлат. Унинг нозиблиги ҳам, аминманки, бойлиги ҳам мана шунда. Бу ердаги ҳар бир халқ ҳозирги Ўзбекистоннинг моддий ва маънавий маданиятини вужудга келтиришга ўз ҳиссасини қўшди ва уни ҳақли равишда ўзининг Ватани деб билади. Бу гап корейсларга ҳам тааллуқлидир.

Машъум 1937 йилда корейслар бошига тушган фожиали қисмат эсимиздан чиққани йўқ. Ўзбекистон бу ердаги жуда катта қийинчиликларга қарамай, Узоқ Шарқдан кўчириб келтирилган ўн минглаб кишиларни хурсандчилик билан кутиб олди, кейинчалик немисларни, қрим татарларни, месхети туркларини, қатағон қилинган бошқа халқларни, шунингдек, 1941 — 1945 йилларидаги уруш вақтида Украина, Беларусь ва Россиядан келган қочоқларни қабул қилиб олди. Ўзбекистон тараққиётига корейслар жуда катта улуш қўшганини ҳам биламиз. Биз буни қадрлаймиз. Шуни айтиш кифояки, Тошкентдаги кўчалардан тўрттасига корейслар номи берилган.

Мустақиллик эълон қилинган дастлабки кунданоқ биз республикадаги барча халқларнинг тўла ва сўзсиз тенглигини, ирқий, нисоний, диний камситишларга, ҳеч қандай миллий камситишларга йўл қўйилмаслигини айтдик. Булар шунчаки қуруқ гап эмас. Республикадаги барча халқлар ўзларини тўла ҳуқуқли деб ҳис этишлари учун, улар машъум «КПССнинг доно миллий сиёсати» сабабли унутиб юборилган ўз миллий маданияти, тили ва урф-одатини тиклашлари ва ривожлантиришлари учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Давлат ҳокимият идоралари ҳозирги вақтда ҳамма жойда иш олиб бораётган миллий уюшмаларга, маданият марказларига ҳар томонлама мадад бермоқда, улар ўз азалий Ватанлари билан алоқа ўрнатишларига кўмаклашмоқда. Сўнгги масалани биз кузатиб турибмиз, албатта. Делегациямиз таркибига Ўзбекистондаги корейс жамоаси вакиллари киритилган, улар айни шу масала билан шуғулланадилар.

Сўзимнинг охирида қадимий Корея диёрига боришимдан, унинг истеъдодли меҳнатсевар халқи билан учрашажагимдан хурсандлигимни айтмоқчиман. Президент Ро Дэ У, Кореянинг бошқа раҳбарлари билан музокараларимиз муваффақиятли ўтишига ва халқларимизнинг бахт-саодати ва гуллаб-яшнаши учун хизмат қилишига ишонаман.

МАТБАА САНОАТИ: СУРЪАТ ПАСАЙИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИБ БЎЛМАЙДИ

Қоғоз йўқ... Газеталар, журналлар, китобларнинг нархи жуда ошиб кетди. Ҳатто кўп йиллардан бери чиқиб келган ва ажойиб анъаналарни яратган, минг-мингдоимий муштарийлари бўлган катта нашрлар ҳам ҳафтада икки-уч марта чиқадиган бўлиб қолди.

МДҲда қоғоз ишлаб чиқариш соҳасида танҳо ҳукмрон бўлган корхоналар нархни ўз хоҳишларича белгиламоқда. Бу айниқса Ўзбекистон каби ўрмонлари бўлмаган республикаларга ёмон таъсир қилмоқда, республикага қоғоз биринчи навбатда Россиядан келтирилар эди. Аммо ана шу қийинчиликларга қарамай, оммавий ахборот воситалари ишлаб турибди. Нашриётлар ҳам ишламоқда. Мактаблар, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари дарсликлар билан етарли таъминланмоқда.

Бу қудратли тармоқда иқтисодий ларзалардан холи бўлиш мумкинми, тармоқни қай йўл билан рентабелли қилиш мумкин? ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетининг раиси Р. ШОҒУЛОМОВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Рустам ака, ҳаётингиз матбуот билан, полиграфия билан боғлиқлигини биламан. Сиз қаерда ишламангиз, ҳамиша юксак билимдонлик кўрсатдингиз. Мана, бир йилдан ошдики, янги лавозимда ишлаб турибсиз. Бироқ воқеаларнинг боришига қараганда, муаммолар камаймади, балки кўпайиб бормоқда...

— Ҳақиқатан ҳам муаммолар жуда кўп. Айниқса, республика ва унинг анъанавий ҳамкорлари бозор муносабатларига ўтаётган ҳозирги пайтда бундай муаммолар кўпаймоқда. Давлат комитети тизими анча мураккаб ва кўп соҳалидир. Деярли ҳамма нашриётлар, вилоят матбуот бошқармалари, китоб савдоси, матбуотда давлат сирини сақлаш инспекцияси бизга қарашлидир. Ҳамма жойда бир хил қийинчилик: қоғоз, картон, машина-ускуналарга эҳтиёт қисмлар, буёқ йўқ. Уларнинг тақчиллиги сабаблари ҳаммага маълум. Анъанавий иқтисодий алоқалар узилгач, қоғоз билан биржада савдо қилишга ўтилди, шундан сўнг кўпгина меҳнат жамоалари хонавайронлик ёқасига келиб қолди. Ана шундай вазиятга қарамай, бозор муносабатларига ўтиш тўлқинларида ўзини етарли даражада дадил тутаётган газеталар, журналлар, босмахоналар, нашриётлар бор.

Бир мисол келтираман. Бир вақтлар давлатдан дотация оладиган «Ўзбекистон» нашриёти ҳозир 15 миллион сўмга яқин фойда олмоқда. Бу ерда воқеаларни олдиндан пайқаб ола билишди, маҳсулот етказиб берувчилар билан ўзаро манфаатли битимлар тузишди, ўзбек ва жаҳон мумтоз ёзувчилари асарларини аъло даражада нашр этишга ўтишди. Тутуриқсиз китобчалар чиқаришдан воз кечишди. Мумтоз ёзувчиларнинг яхши безатилган китоблари қиммат туриши табиийдир. Аммо харидорлар уларни бажонидил сотиб олишмоқда. Бу — ишга чинакам тижоратни кўзлаб ёндошиш эмасми?

Мактаб ўқувчилари учун дарсликлар чиқаришга ихтисослашган «Ўқитувчи» нашриёти тўғрисида гапирсак, давлат унга энг қулай шароит яратиб бермоқда. Бунинг сабаби равшан: ёш авлод тўғрисидаги ғамхўрликни ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам давлат бу соҳага бюджетдан катта маблағ сарфламоқда.

Газета ва журналлар қийин аҳволга тушиб қолди. Қоғоз етказиб бериш тўғрисида шартномалар тузяпмиз, албатта. Россиядаги қоғоз ишлаб чиқарувчилар билан шартномани имзолаш учун яқинда Москвага хизмат сафарига боришга тўғри келади. Бу — Ўзбекистон билан Россия ўртасида яқинда тузилган шартноманинг, Ислом Каримов билан Борис Ельцин учрашувларининг натижасидир. Бу шартнома асосида олинадиган қоғоз, картон асосан дарсликлар, бошқа муҳим адабиётларни босиб чиқаришга ишлатилади.

— Айтмоқчи, дарсликлар ҳақида. Ҳозир таътил даври. Лекин ёз тезда ўтиб кетади. Янги ўқув йилида ўқувчилар китоблар етишмаслигидан қийналишмайдими?

— Бу соҳада ташвишланишга ўрин йўқ. Дарсликлар ҳаммага етади. Масалан, олдингидек русийзабон мактаблар учун адабиётларнинг бир қисми МДҲнинг бошқа минтақаларидан келтирилади. Биз ҳам ўз навбатида Ўрта Осиёдаги қўшни республикалар ва Қозоғистондаги ўзбеклар яшайдиган жойларга 56 номдаги 2,5 миллиондан ортиқ китобни юборамиз.

— Шунга қарамай, биллишмча, республикада матбаа қувватидан тўла фойдаланилмаяпти, бу эса табиий равишда қудратли тармоқда молиявий қийинчиликларни келтириб чиқаради.

— Бунинг сабабларини тушунтириш учун рақамларни келтириб ўтаман. Ўзбекистонга ҳар йили камида 60 минг тонна қоғоз ва 5 минг тонна муқовабоп картон келтирилади. Уларни сотиб олиш ва ташиб келтириш харажатлари бир ярим миллиард сўм атрофида бўлади. Матбаа маҳсулотлари қиймати ҳам шунга яраша. Газеталарнинг қиймати 1,5—2 сўм, китоблар қиймати 25—30. Аммо сотиб олинаётган материалларнинг миқдори етишмаяпти. Шу сабабли Ўзбекистоннинг ўзида қоғоз саноатини барпо этиш ғоят зарур бўлиб қолди.

Бу хаёлий лойиҳа эмас, мустақил давлатнинг шу масалада мустақил бўлишга интилиши ҳам эмас. Бу ўринда ҳақиқий иқтисодий ҳисоб-китоблар назарда тутилмоқда.

Линт пахтадан целлюлоза, шоли похоли ва ғўзапоядан қоғоз ва картон тайёрлаш технологиясидан кенг фойдаланаётган Туркия, Хитой ва бошқа мамлакатларнинг тажрибасини ўрганишимиз зарур. Бунинг учун республикада хом ашё етиб ортади. Фақат илғор технологиялар зарур. Бу соҳада ана шундай ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий фирмалар билан мустаҳкам ҳамкорлик қилишдан бошқа иложимиз йўқ. Қўшма корхоналар барпо этиш бундай ҳамкорликнинг чинакам йўлларидан биридир.

Комитетимиз мутахассислари хорижий фирмаларнинг таклифларини ҳар томонлама ўрганишди. Турк ва хитой ишланмалари биз учун мақбулроқ. Масалан, хитойлар шоли поҳолидан қоғоз тайёрлаб чиқарадиган кичик заводларни етказиб беришга тайёрдирлар. Тошкент қоғоз фабрикаси тармоқни материаллар билан таъминлаш учун асосий база бўлиши лозим. Бу масалани биз республика мебель саноатининг раҳбари Ғ. Қурбонов билан ўрганиб чиқдик. Бир неча қизиқарли лойиҳалар бор. Аммо фабрикани жиддий равишда янгилаш керак бўлади.

Ўз-ўзидан равшанки, бу дастурларни амалга ошириш учун катта сармоя, шу жумладан валюта талаб қилинади. Аммо бошқа чора йўқ. Пировардида харажатлар фойдага айланади.

— Рустам ака, давлат матбуот комитети ҳузурида матбуотда давлат сирини сақлаш инспекцияси ишлаб турибди. Келинг, очиқчасига гаплашайлик: журналист ҳамкасбларимизнинг инспекцияга муносабати, юмшоқроқ қилиб айттанда, анча совуқ. Сиз бундай кайфиятларга қандай қарайсиз?

— Ҳар қандай мустақил давлатнинг ўз сирлари бўлади ва бу сирларни сақлаши лозим. Бу — масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томони шуки (бу ҳам жуда муҳим), ҳар қандай маърифатли мамлакат оммавий ахборот воситаларида шахсни камситиш ва обрўсизлантириш мақсадида ашаддий кампания ўтказилишига имкон бермайди. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-сиёсий вазият барқарор. Мана шундай бир пайтда газета ва журналларнинг саҳифаларида бу вазиятга зиён етказилишига йўл қўйиб бўлмайди. Инспекция зарур. Бинобарин, у давр нафасини акс эттириши керак.

Л. ЛЕВИН,
ЎзА мухбири.

• ДОЛЗАРБ СУҲБАТ

Республикада 400 га яқин газета ва журнал чиқади. Қанчалик эриш туюлмасин, тезроқ бозор муносабатларига ўтиш учун жон қуйдириб, бозор муносабатларининг воситаларини миллион-миллион ўқувчиларга тушунтириб берган газетачиларнинг ўзлари янги шароитда ишлашга тайёр эмасликлари маълум бўлиб қолди. Бунинг оқибатида уларнинг тиражи камайди, ходимлар сони қисқартирилди... Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бюджетидан уларга юз миллион сўм ажратиш ҳақида қарор қабул қилди. Бинобарин, мен ана шу ғамхўрлик учун барча журналистлар номидан Президентга миннатдорчилик билдираман.

Вужудга келаётган вазиятга очиқ кўз билан қарамоқ керак. Қоғоз билан таъминлаб, катта босмахона харажатларини тўлай оладиган муассисларнинг нашрларигина омон қолади. Буйруқбозлик усулида тақсимлаш тизими барҳам топди. Бозор тайёрга айёрликни ёқтирмайди.



Зангиота районидаги Акмал Икромов номли жамоа хўжалигида Искандар Сарибоевни ҳамма ҳурмат қилади. Мана 40 йилдирки, у шу хўжаликда меҳнат қилади. У кўпгина шогирдлар ҳам тайёрлади. Топшириқларни эса ҳамиша ортиғи билан адо этади.

СУРАТДА: Искандар Сарибоев.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

• ШУ КУННИНГ МАВЗУСИДА •

ИШЛАР ҚАНДАЙ, ФЕРМЕР?

● Ҳамма жойдагидек, Андижон вилоятида ҳам деҳқончиликнинг янги шакли — фермерлик ҳаракати авж олди. Фермер, ижарачи бўлиш истагини билдириб ариза бераётган кишилар сафи ҳам кенгайиб боряпти. Яқинда вилоят давлат назорати қўмитаси республика Президентининг «Деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва республикада ишбилармонлик фаолиятини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони қандай бажарилаётганини ўрганиб чиқди.

АНДИЖОН вилоятида бу имкониятдан ким қандай фойдаланяпти? Бизни шу масала қизиқтирарди. Вилоят деҳқончилик-саноат банки чорвачилик билан шуғулланадиган фермерларга 88 миллион сўм, шу жумладан, қорамол сотиб олиш учун салкам саккиз миллион сўм пул берди. Бу фермерлик ҳаракатига йўл очди.

Марҳамат районининг «Андижон 50 йиллиги» давлат хўжалигида фермер М. Исаҳонов беш гектар ерни 15 йил муддатга ижарага олди. Район аҳолисига арзон нархда анчагина гўшт, сут, тухум сотди. Жалолқудуқ районидаги «Ойим» ширкатлар уюшмасининг фермери Н. Юсупов 42 бош қорамол боқяпти. У ем-хашак етиштириш учун уч гектар ер олган. Ўтган йили 44 тоннадан кўпроқ сут етиштирди. Ҳар бош сигирдан 3400 килограммдан сут соғиб олишди.

Избосканлик фермер Абдулҳай Дўлтабоев чорвачилик ва паррандачилик билан шуғулланяпти. Бундан ташқари фермер хўжалигида обжувоз, тегирмон ишлаб турибди. Бундай фермерлар бошқа районларда ҳам бор.

Давлат назорати қўмитаси текшириш чоғида фермер хўжаликлари, янги иш жойлари ташкил этиш масаласини ҳам ўрганиб чиқди.

Бу иш Андижон районида яхши йўлга қўйилганлиги маълум бўлди. Шу райондаги Абдуҳалил Исмоилов номли жамоа хўжалигида 25 та ёрдамчи хўжалик ташкил этилиб, 350 киши иш билан таъминланди. Хўжаликда йил охиригача тегирмон, омухта ем тайёрлайдиган, пиллани қайта ишлайдиган кичик корхоналар ишга туширилади. Шунингдек, бу хўжаликда 31 та деҳқон хўжалиги тузилиб, уларга ер ажратиб берилди.

Марҳамат районидаги Мадумар Тожибоев номли жамоа хўжалигида ҳам қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва уни қайта ишловчи еттита корхона ташкил этилди. Бу корхоналарда аҳолига мева-сабзавот консервалари, полиэтилен пленкалар, қурилиш материаллари ва асфальт етказиб берилаётир. Ўтган йилнинг ўзида бу хўжалик ярим миллион сўмдан кўпроқ соф фойда кўрди. Ишсиз юрган кўп кишилар иш билан таъминланди.

— Шунга қарамасдан Фармоннинг бажарилишини қониқарсиз деб топдик, — дейди Андижон вилоят давлат назорати қўмитаси раиси Б. Раҳмонов. — Чунки ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, деҳқон (фермер) хўжаликлари режасини амалга оширишда қатор камчиликлар мавжуд. Вилоят ҳокимиятидаги шу иш билан шуғулланувчи мутасадди ўртоқлар, район ҳокимиятлари, давлат ва жамоа хўжаликлари раҳбарлари фермер хўжаликларини кўпайтириш учун зарур чоралар кўрмаётирлар. Ҳали кўп раҳбарлар хўжалик юритишнинг илғор усулларидан бири бўлган фермерликнинг туб моҳиятини тушуниб етганларича йўқ.

Президентимиз И. А. Каримов республика деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари қурултойида айтганидек, аввало фермерларга ерни шартнома асосида бериш лозим. Яъни икки томон шу шартномада ўз мажбуриятларини аниқ белгилаб олишлари зарур. Энг муҳими ажратилган ер унумдорлигининг камайишига мутлақо йўл қўймаслик, ундан фақат деҳқончилик мақсадида фойдаланиш, халқимизга керак бўлган маҳсулот етиштиришдир.

Бошқача қилиб айтганда, давлат ва жамоа хўжаликлари фермерларни ўз ҳимоясига олсаларгина бу иш яхши самара беради. Етиштирилган маҳсулот тўлиқ деҳқон ихтиёрида бўлиши зарур. Шартномада келишилган нарх бўйича фермер бир қисм маҳсулотни жамоа хўжалигига топширади, қолганини эркин нархда сотади.

Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан фермер хўжаликларига вилоят бўйича 11 минг 707 гектар суғориладиган ер ажратиш мўлжалланган. Амалда эса бир ярим минг гектардан кўпроқ ер ажратилди. Бу — режанинг 13,2 фоизига тенг.

Избоскан, Андижон, Асака, Хўжаобод районларида (ҳокимлари У. Иброҳимов, М. Юсупов, Н. Мамажонов, М. Маматазизов) ер ажратиш топшириғи салкам уч фоиз бажарилди, холос. Ер фондини ташкил этиш топшириқлари бошқа районларда ҳам ўлда-жўлда: Комсомолобод районида 1225 гектар ўрнига 74 гектарни ташкил этади. Ҳокимиятларда, давлат ва жамоа хўжаликларида фермер хўжаликларини ташкил этиш юзасидан тушган аризаларни кўриб чиқиш, рўйхатга олиш кўнгилдагидек эмас. Текшириш жараёнида 259 та ариза сабабсиз кўрилмаганлиги аниқланди. Район ҳокимиятларидагина эмас, ҳатто вилоят марказида ҳам Фармонни бажариш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилмаган.

КЎПГИНА район ва хўжалик раҳбарлари топшириқни бажаришнинг иложи йўқлиги, суғориладиган ерлар етишмаслиги ҳақида нолимоқдалар. Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, айрим жойларда ердан фойдаланиш ҳануз қониқарсиз. 1990 йилда вилоят бўйича қурилиш учун 15 минг 700 гектар ер ажратилган. Шундан икки минг гектари суғориладиган ерлар. Қурилишга топилган ер нега фермерга топилмайди? Бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўриш керак. Шахсий ёрдамчи хўжаликларга ажратилган ерларнинг кўп қисми қурилиш баҳонасида бекор ётгани маълум бўлди. Бўзда — 3,2, Комсомолободда — 8,3, Марҳамат районида — 4,5 гектар шахсий хўжаликларга ажратилган ернинг умри бекор ўтаётгани кечирилмас ҳол.

Кейинги икки йил давомида вилоят бўйича томорқага 23,5 минг гектар ер, шахсий ёрдамчи хўжаликларга 13,6 минг бош қорамол, кўплаб паррандалар берилди. Улар дағал хашак, ширали озуқа, омухта ем, кўк ўт, шелуха, кунжара билан таъминланди. Натижада шахсий хўжаликларда йирик шохли моллар кўпайиб, 187 минг бошга етказилди ва қўшимча 17 минг киши фойдали меҳнатга жалб этилди.

Баъзиларда дадиллик етишмаяпти. Чўчиш бор. Тўрачилик ҳали таг-томири билан тугатилгани йўқ. Бўлажак фермерлар ҳужжат тўғрилаш учун ойлаб югуришяпти. Ачинарлиси шундаки, ёрдамчи хўжаликларга ажратилган 33 миллион сўм пулдан 16 миллион сўмигина берилди. Ёрдамчи хўжаликлар билан шуғулланувчи раҳбарлар бу соҳада сусткашликка йўл қўймоқдалар. Улар кўпроқ тижорат, савдо, даллоллик усулини афзал кўришяпти. Натижада 18 та кичик корхона тайёрлов, савдо-сотиқ вазифасини бажаряпти. Ваҳолонки, бундай кичик корхоналар, ташкилотлар фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни кенгайтиришга хизмат қилмоғи лозим.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банкига район ва вилоят шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари иттифоқининг ижозати билан шахсий ёрдамчи хўжаликларни қўллаб-қувватлаш фондидан ҳар бир фермерга мол, парранда, емхашак сотиб олиш учун 10 минг сўм қарз бериш вазифасини топширган. Шунингдек, давлат ва жамоа хўжаликлари эса фермерларга 50 минг сўмгача кафолатли қарз бериши мумкинлиги айтилган. Бу топшириқ ҳам қониқарсиз бажариляпти.

Вилоят деҳқончилик-саноат банки бошлиғи М. Турғунбоевнинг айби билан фермер хўжаликлари ҳануз банклардан молиявий ёрдам ололганлари йўқ. Улар бу йўлда кўп сарсон бўлишяпти. Шу банкнинг Қўрғонтепа бўлинмаси (бошлиғи М. Мамадалиев) узоқ муддатли қарз бериш лимити йўқ, деган баҳона билан «Савай» давлат хўжалиги ҳудудидаги фермер Ю. Зоитовга, «Деҳқончек» жамоа хўжалигидан Х. Турсунов, Х. Абдураззоқовга қарз бермай келяпти. Худди шу район ҳокимияти ва фермер хўжалигини ташкил қилувчи комиссия аризаларни рўйхатга олишда ҳужжатларни етти нусхада, яъни керагидан ортиқча тайёрлаб келиш тўғрисида нотўғри талаб қўйиб, одамларни қийнамоқда.

Бошқа районларда эса бунинг акси. Рўйхатга олишда фермерларнинг аризаси ва таъсис йиғилишининг баённомаси билан чегараланиляпти. Ваҳолонки, уни рўйхатга олишда фермер хўжалигининг низоми, шартномаси ҳам бўлиши керак. М. Мамадалиев сингари масъулиятсиз раҳбарларнинг «фаолияти»ни қандай баҳоламоқ керак?!

Асака район банкида деҳқонлар нақд пулсиз ўтадиган қарзлардан фойдалана олмаяптилар. Ҳозир районда деҳқончилик бўйича 108 та, чорвачилик бўйича 25 та фермер хўжалиги ташкил этилган. Лекин улардан фақат биттаси давлат банкида ҳисоб очган. Бу банкдаги масъул шахсларнинг ўта масъулиятсизлиги оқибати.

Яна бир муаммо шуки, вилоят ветеринария хизмати (бошлиғи Йигитали Ёқубов) қишлоқ аҳолиси қарамоғидаги молларга зооветеринария хизмати кўрсатишни йўлга қўймаяпти. Вилоят бўйича қишлоқ кенгашлари қошида 98 та ана шундай пункт очилиши керак эди. Амалда 35 та очилди, холос. Масъулиятсиз раҳбарлар шуни унутмасинки, халқ уларнинг қуруқ сўзига эмас, ишига қараб баҳо беради. Вилоят ветеринария инспекциясида 140 дан ортиқ киши ишлайди, иш натижалари эса қониқарсиз.

Фермерлар ва ишбилармонларга пинҳона тўсқинлик қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Вилоят бўйича 38 та жамоа хўжалиги Фармонни бажаришнинг иложи йўқлиги ҳақида вакиллар йиғилишининг қарорини чиқарган. Бунга ер майдонининг аҳоли сонига нисбатан камлиги рўкач қилинган.

Вилоят деҳқончилик-саноат уюшмасига жиддий эътирозларимиз бор. Уюшма ходимлари жойлардаги аҳволдан тўлиқ хабардор эмаслар. Давлат назорати ходимлари вилоятда 780 гектар ер бекор ётганлигини аниқладилар. Бу — фермер хўжаликлари учун катта имконият-ку?!

Фермерлар ва қишлоқ аҳолиси етиштирган маҳсулотларни қабул пунктларига топшириш ҳам ёмон аҳволда. Жойларда тайёрлов пунктларини кўпайтириш, фермерлар етиштирган маҳсулотнинг 50 фоизини республика фондига сотишни ташкил этиш ғоят долзарб масалалардир.

Фермерлик ҳаракатида миқдор кетидан қувмаслик керак, энг тадбиркор деҳқон ва чорвадорлар фермерлар сафига қўшилса, янги ҳаракат кўпроқ амалий натижа бериши, элимиз дастурхони янада маъмур бўлиши аниқ. Уларни саралаш, олийгоҳларда махсус курслар очиб, ўқитиш лозим. Жамоа хўжаликлари қатори фермерлар ҳам мустақил бўлиши, ўз чорваси учун ем олиш имкониятига эга бўлиши керак. Ирригация — машинасозлик заводи орқали фермерлар учун нархам машиналар ишлаб чиқарилса, нур устига аъло нур бўларди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СПОРТ

ШАХМАТЧИЛАР ЗАФАРИ

● ФИЛИППИН пойтахти Манилада шахмат бўйича жаҳон олимпиадаси баҳслари давом этмоқда.

Жаҳоннинг энг кучли шахматчилари ўзаро дона сураётган бу мусобақада Ўзбекистон спортчилари ҳам иштирок этишмоқда. Мустақил республика шахматчилари мухлисларни мамнун этишди. В. Логинов, А. Ненашев, Г. Серпер, М. Салтаев, С. Загребельний ва С. Йўлдошевлардан иборат жамоамиз ўтган тўрт тур ўйинлардан кейин мавқеларини мустаҳкамлаб, иккинчи ўринга кўтарилишди. Россия шахматчилари эса 13 та очко билан олдинда боришмоқда. Пешқадамликдан ярим очко ортда бораётган Ўзбекистон шахматчилари эса ғалабаларини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилишмоқда. Қолган ўринларни эгаллаб турган етти мамлакат терма жамоаси ҳисобида 11,5 тадан очко бор. Мусобақада жами 150 жамоа қатнашмоқда.

ХАЛҚАРО МУСОБАҚАДА

● МИНСК шаҳрида спортнинг сув-мотор тури бўйича халқаро мусобақа ўтказилди.

Ўзига хос қизиқарли мусобақада Польша, Болгария, Чехословакия, Швеция ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги терма жамоалари ўзаро куч синашдилар. Мусобақада республикамиздан беш спортчи иштирок этди. Халқаро тоифадаги спорт устаси Алексей Братчиков, спорт усталари Вячеслав Шарков, Асад Иброҳимов, Андрей Етменов ва Александр Хорстлар ғолиблик супасига кўтарилишди.

КУЧЛИЛАР САФИДА

● КИЕВ шаҳрида самбо кураши бўйича студент-спортчилар ўртасида Оврўпо чемпионати ўтказилди.

Тошкентлик Рудольф Қим вазни 52 килограммлик полвонлар қатори беллашиб, олтин медалли бўлди. Шунингдек, 74 килограмм вазнда Феруз Аъзамов, 90 килограммли вазнда Армен Богдасаровлар ҳам қитъа чемпиони бўлишди. 52 килограмм вазнли Асатулло Фармонов кумуш медални қўлга киритди.

САРАЛАШ БАҲСЛАРИДА

● ШУ кунларда футбол мухлисларининг диққат эътибори Швецияга қаратилган. Бу ерда Оврўпо чемпионатининг гуруҳлардаги саралаш учрашувлари давом этмоқда.

Маълумки, дастлабки учрашувлар биринчи гуруҳга кирувчи жамоалар ўртасида бўлиб ўтди. Чунончи, майдон эгалари билан Франция футболчилари учрашувида дарвозаларга биттадан тўп киритилди. Дания — Англия жамоалари ўйинида дарвозалар даҳлсиз қолди. Шу гуруҳдаги иккинчи учрашувлар ҳам тўпларга бой бўлмади. Жумладан, Франция — Англия учрашувида ҳам 0:0 ҳисоби қайд этилди. Лекин қандай бўлмасин, курашни давом эттириш йўлини излаётган мезбонлар дастлабки икки очкони қўлга киритишди. Улар Дания футболчиларини 1:0 ҳисобида енгиб, жами учта очко билан ўз гуруҳларида пешқадам бўлиб олишди. Иккинчи гуруҳда ҳам аҳвол қувонарли эмас. Голландия жамоаси Шотландия футболчиларини 1:0 ҳисобига енгган бўлса, МДҲ футболчилари Олмония жамоаси билан учрашувда ҳисобни 1:1 қилишди. Кеча МДҲ футболчилари Голландия жамоаси билан куч синашдилар. Ваҳолонки, ишбилармонлар ўзаро келишиб футболчиларимиз финалга чиққудек бўлишса, бош тренер А. Бишовецга 11 миллион беришни мўлжаллаб туришибди.

ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР

● ЎЗБЕКИСТОН кубоги учун футбол бўйича нимчорак финал учрашувларининг такрорий ўйинлари бўлиб ўтди.

«Чирчиқ» — «Сўғдиёна» — 0:2, 0:0, «Шаҳрихончи» — «Нефтчи» — 0:5, 1:0. «Навбаҳор» — «Янгиер» — 0:0, 2:0. «Шифокор» — «Наврўз» — 0:4, 2:1. «Зарафшон» — «Марқанд» — 1:2, 2:4. «Атласчи» — «Зарангар» — 6:0, 2:1. «Норин» — «Темирйўлчи» — 1:3, 1:3. «Косонсойчи» — «Трактор» — 0:2, 6:3. Шундай қилиб, «Сўғдиёна», «Нефтчи», «Навбаҳор», «Наврўз», «Марқанд», «Атласчи», «Темирйўлчи», «Косонсойчи» жамоалари чорак финалга йўлланма олишди.

Фарғона вилояти Фарғона район агросаноат бирлашмаси ремонт ишлаб чиқариш корхонасига қарашли «Дружба» кашшофлар оромгоҳи Чимён қишлоғининг энг баҳаво, хушманзара маконида жойлашган.

Бу ерда ўн бир йилдирки, моҳир педагог, ажойиб ташкилотчи Ўрмонжон Тўйчиев раҳбарлик қилиб келмоқда. Лагерда қачон бўлмайлик, ҳар йилги мавсумда бир янгилик бор. Вилоятдаги лагерлар ўртасидаги мусобақада биринчи ўринни олди. Ғолиб кашшофлар лагерига Японияда ишлаб чиқарилган «Тойота» микроавтобуси совға қилиб берилди.

СУРАТЛАРДА: (ўнгда) лагерь бошлиғи Ўрмон Тўйчиев болалар орасида. Сайрда.

Неъмат РАҲМОНОВ олган суратлар.

• Мактубларни варақлаганда

МУШТАРИЙ ХАБАР БЕРАДИ

«ИФТИХОР»— КИЧИК КОРХОНА

● Андижон вилояти маҳаллий саноат бошқармаси қошида ташкил этилган «Ифтихор» кичик корхонаси истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқда. Бу ерда шу йилнинг беш ойи мобайнида қарийб 1 миллион 100 минг сўмлик харидоргир трикотаж буюмлари тайёрланди.

— Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли талаб-эҳтиёжига қараб иш олиб боришни йўлга қўя бошладик, — дейди корхона раҳбари Икромжон Орипов. — Янги урфдаги кийим-кечаклар тикишга ҳам алоҳида эътибор бериляпти.

Корхона мутахассислари замонавий ускуналар сотиб олиб, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш хусусида бош қотиряптилар. Хом ашё етказиб берувчи корхоналар билан ўзаро фойдали алоқалар ўрнатилмоқда. Корхона раҳбарининг фикрича «Ифтихор» тез орада бозор эҳтиёжларига жавоб берувчи рақобатбардош корхонага айланиши керак. Ҳозир шу мақсадда баҳамжиҳат иш олиб борилмоқда.

Ш. КЕЛДИЕВ,
Андижон вилояти

...ТАКЛИФ ЭТАДИ

ҚИРҚ ШАҲРИ ДЕБ АТАЛСА...

● Ўзбек тилига давлат мақоми берилгандан кейин жойларда шаҳар-кўчалар, аҳоли пунктлари номлари қайтадан кўриб чиқилмоқда. Бу, албатта, қадриятларимиз тикланаётганидан далолат. Яқинда Жиззах вилоятининг Ульянов шаҳри номини ўзгартириш ҳақидаги масала ҳамшаҳарларимиз томонидан муҳокама қилинди.

Айрим кишилар шаҳар куни-кеча пайдо бўлгандек унинг номини «Янгиобод» деб аташ керак, деб таклиф киритишяпти. Бу, бизнингча, шаҳар тарихини яхши билмасдан айтилаётган мулоҳаза. Аслида шаҳримиз қарийб 500 йиллик тарихга эга. Дастлаб у кичик қишлоқ бўлиб, «Қирқ» номи билан юритилган. Бу бежиз эмас.

Маълумки, қирқ уруғи туркийларнинг минг, беш юз, юз, парча юз уруғлари сингари қадимий уруғ саналади. Эндиликда бу уруғга мансуб кишиларни Ўрта Осиёнинг барча республикалари ва қўшни Қозоғистонда ҳам учратиш мумкин.

Шу боис, Ульянов шаҳрини асл тарихий номи билан Қирқ шаҳри деб аташ мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бизнингча, ушбу қадимий номнинг қайта тикланиши ўзлигимизни тезроқ англашимизга асос бўлади ва шаҳримизга қардошлик меҳри билан қаровчилар сонини янада оширади. Ўйлаймизки, вилоят ҳокимияти қошидаги атамалар қўмитаси аъзолари буни яхши тушунишади ва шаҳримизга ўз тарихий номини қайтаришади.

Саттор СОИПОВ,
Эшқул КЎЧИБОЕВ,
Учқун ҚОДИРОВ
ва бошқалар, жами 32 имзо.
Жиззах вилояти.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

БЎЗЧИ БЕЛБОҚҚА ЁЛЧИМАС

● Тўғрисини айта қолай: жумҳуриятимиз Президентининг қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш ҳақидаги Фармонининг амалий ижроси бизнинг Ғузор район Охунбобоев номли жамоа хўжалигида ўз аксини ҳанузгача топгани йўқ. Биз, фахрийлар бу соҳада раҳбарларга қатнайвериб чарчадик. Улар ваъда беришдан нарига ўтишмаяпти. Қишлоқда табиий газ йўқ. Газ баллони эса ўз вақтида келтирилмайди.

Яқинда шу масала юзасидан район Кенгаши (раиси Нуриллаев) ҳузурида бўлдик. У киши ёрдам бериш ўрнига: «Биз Россиядан келаётган газни арзонлаштиролмаймиз» дея баҳона ахтарди: Унга: «Ёнимиздаги Шўртан гази қувур орқали ўтган бўлса, ундан фойдаланиш иложи йўқмикин?» десак, «бу менинг компетенциямга кирмайди», деб жавоб қайтарди. Бундай жавобдан кейин «бўзчи белбоққа ёлчимас» мақолининг нақадар тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Дарвоқе, республика Президенти Фармонига кўра, Улуғ Валан уруши қатнашчилари ва байналмилалчи-жангчиларга суюлтирилган газ баллонларини имтиёзли нархларда сотиб олиш ҳуқуқи берилган. Бироқ газ баллонларининг ўзи бўлмагандан кейин имтиёз ҳақида гапириш ортиқча. Уруш ва меҳнат фахрийлари ноиложликдан қўшни районлардан суюлтирилган газ баллонларини излашга мажбур бўлишяпти.

Ҳурматли таҳририят! Гапнинг қисқаси, арзимизни кимга айтишга ҳайронмиз. Район раҳбарлари эътиборсиз бўлишса, биз фахрийларга ким ёрдам беради?

Салом билан
Ҳасан ҚУРБОНОВ,
Қашқадарё вилояти.

* * *

● Шунингдек, муштарийларимиздан А. Сафоев (Хоразм), Ж. Юсупов, Р. Ҳикматов (Қашқадарё), Х. Омонов (Тошкент) ва бошқалар ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

АХБОРОТ

КИЧКИНТОИЛАР АРДОҚДА

● Қўриқ Бўз районидаги «Озод» жамоа хўжалигида 90 ўринли яна бир болалар муассасаси фойдаланишга топширилди.

Янги боғча очилишидан болаларни қабул қилиш учун хўжаликка мурожаат этган барча колхозчилар мамнун бўлдилар. Бошқалари қатори бу боғчага ҳам колхоз далаларида, боғларида етиштирилган ноз-неъмат, фермадан эса янги сут етказиб берилмоқда.

ҚАРИ БИЛГАННИ...

● Қўқон локомотив депосининг кекса ишчиси 64 ёшли Владимир Лазеревнинг ихтироси жамоага нақд 50 минг сўм фойда бермоқда.

Бозор иқтисодиёти, ҳаёт қийинчиликларини кўриб турибсиз, акажон, жоним сизга тасаддуқ, нима хоҳласангиз ўн чандон ўринлатаман. Менинг ҳам талабларимни қаноатлантирсангиз бас, — савдо ишида кўзи пишган Л. га минг товланиб гап отди Қулманат.

— Айтганларингни есть қиламан, жонидан, фақат пулни аямасанг бас, нима олиб келишсин?

Ана шу суҳбатдан сўнг Қулманатнинг хонасига чет эл чойлари, маргарин, шакар, қанд, хилма-хил рўмоллар, тиш тозалаш учун пастарин ва бир неча хил товарлар келтирилди. Қулманат ва унинг шериклари 40 минг сўмликка яқин молларни тезда сотиб олишди.

— Наманган жаннат экан-ку, нарсаларнинг арзонлигини қаранг, — қувониб дейди Ойша Назарова.

— Мана бу рўмолларни бизда беш юзга олаверади, бу ерда икки юз сўмдан беришяпти-я, лақмалар, — гапга қўшилди Нурсулув Окаева.

— Шуни айтинг, сариёғ ҳам, маргарин ҳам арзон экан, иложи борича кўпроқ олиб кетавериш керак, — гапга-гап қўшди Манас Темуров.

Хуллас, бозор кўнгилдагидай бўлди. Николай Прокофьевич Зимияснов бошқарган «07—64 ЧМТ» рақамли автобус «Орзу»нинг рўпарасига эмас, балки шаҳар озиқ-овқат савдоси омбори олдига келтириб қўйилди ва ҳамма юклар ўша ерга жойланди. Тонг саҳарда Чимкентга жўнаб кетиш режалаштирилди. Кейин...

Инспекция ходимлари Чимкент томон йўл олган автобусни текшириб, барча турдаги озиқ-овқатлар, ноёб моллардан истеъмолга яраш асосида олиб кетилишига рухсат этишди, 23500 сўмлик нарса эса Наманганда қолдирилди.

Саёҳатчилар гуруҳи Чимкентга йўл олди. Уларни кузатиб қолган инспекция ходимлари Акромжон Аҳмедов, Валижон Мажнунов, Шукуржон Ҳамидовлар 14 мартдан 15 мартга ўтар кечасидаги бу операциянинг муваффақиятидан мамнун бўлиб қолишди. Кўпчиликни ҳайратга солган воқеа шундай тугади.

Эндиги вазифа Наманган шаҳар ички ишлар бўлимида қолди. Ноёб моллар, озиқ-овқатлар, шакар ва бошқа нарсаларни сотган шахсларни аниқлаш, «шакар» қумни пулламоқчи бўлган виждонсизни қўлга тушириш даркор.

Турғунпўлат СУЛАЙМОНОВ,
журналистлар уюшмаси аъзоси, шаҳар Кенгаши депутати.

ГУЛЛОЛА»НИНГ ИЛК ҚАДАМИ

● Олтинсой районидаги Миршоди қишлоқ маданият уйида «Гуллола» фольклор-этнографик дастаси ташкил этилди.

Унинг дастурида Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах вилоятлари қишлоқларида яшаётган элатлар азалдан ижро этиб келган, лекин ҳозирда унутилиб бораётган халқ қўшиқлари, лапарлари, рақслари бор.

Халқ истеъдодлари қадимий чолғу асбоблари — дўмбира, чанқовуз, шувиллакдан ҳам кенг фойдаланишмоқда. Даста иштирокчилари момоларимизнинг урчуқ йигириш, чий тўқиш, кашта тикиш, кув пишиш, жун саваш ларини санъаткорона акс эттириб, томошабинлар олқишини олмоқдалар.

(ЎзА).



ЯНГИ ТАРТИБ АМАЛДА

• Ҳаракат хавфсизлиги йўлида

● Маълумки, шу йилнинг 1 июнидан йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни кучайтириш тўғрисидаги қонун кучга кирди. Шу билан бирга республикамиз ҳудудида огоҳлантириш талони ҳам жорий этилди. Айни кунларда эса уни оммавий тарқатиш ишлари давом этяпти. Тошкент шаҳар Давлат автомобиль назорати бошқармасининг имтиҳон ва рўйхатга олиш бўлими бошлиғи, милиция капитани Аъзам Назаров қуйидагиларни гапириб берди.

— Ўзбекистон Республикаси «Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Қонун 1992 йил 1 июндан амал қилмоқда. Унга кўра талон тизими ҳам янги Қонун билан баравар кучга кирди. Аввал биз 1 июнгача ҳамма ҳайдовчиларга талон тарқатиб бўламиз, деб режалаштирган эдик. Аммо шаҳарда 252 мингдан ортиқ машина бор. Шундан 110 мингдан ортиғи шахсий машинадир. Бўлимда 23 киши ҳеч қандай дам олиш кунларисиз меҳнат қиляпти. Аммо олинган жами 200 минг талонни 1 июнгача тарқатишга улгуролмадик. Шу боис бу муддатни 1 июлгача чўздик. Ҳозиргача 40 мингдан эшед ҳайбиль эгасига янги талон бериляпти.

Талон тарқатиш тартиби ўзгаргани йўқ. Шундай бўлсада, яна бир бор эслатиб ўтаман. Талон олиш учун ҳайдовчилик гувоҳномаси, имтиҳон варақаси, шахсий паспорт (ҳарбийлар учун ҳарбий билет) ва 10 сўм миқдорида кассага пул тўлаганлик ҳақидаги квитанция зарур.

Ҳозирда фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида талай ишларни режалаштирямиз. Ҳадемай шу ернинг ўзида касса, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонаси, нотариал идора очиш, 500 та машинани қўйишга мўлжалланган жой ишга тушади.

Имтиҳон олиш ва автомобилларни рўйхатдан ўтказиш бўлимимиз энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланяпти. Яқинда машина кузовини қайта ишлаган — пайванд қилганликни, қалбаки номерларни аниқлайдиган «МИД-2» аппаратини олдик. Ўйлаймизки, бу қулайликларнинг ҳаммаси ишимизда асқотади.

Ҳозирда бутун диққат-эътиборимиз ҳайдовчиларга тез ва соз янги талонларни тарқатишга қаратилган.

Тўхтамурод ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: назарий билим бўйича имтиҳон олувчи, милиция майори Мирзакамол Мирзаахмедов; бўлим бошлиғи ўринбосари, милиция капитани Баҳром Пўлатов (ўртада) ходимларга кўрсатма беряпти; имтиҳон хонасида; имтиҳон ва автомобилларни рўйхатга олиш бўлими бошлиғи, милиция капитани Аъзам Назаровнинг қабули доимо одамлар билан гавжум.

Владимир МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

• Ажаб савдолар

ШАКАР ЎРНИГА...

«Орзу» меҳмонхонасида кечаси антиқа воқеа бўлиб ўтди. Намангалик учарлар чимкентлик меҳмонларни лақиллатиб, икки қоп «шакар»ни пулламоқчи бўлишди. Бунинг нимаси ёмон дейсизми? Гап бошқа ёқда, Эшитинг!..

Наманган таксимотор паркида Зокиржон Мирҳодиев навбатчилик қиларди. Навбатдаги буюртмага йўл олди. Шаҳарнинг эгри-бугри кўчаларидан бирида буюртмачи йигит кутиб олди-да, шошилинч равишда икки қоп юкни машинага ортиб, «Орзу» меҳмонхонасига элтиб қўйишни илтимос қилди. Зокиржон унинг талабини бажарди. Икки қоп юк меҳмонхонага олиб кирилди.

— Ҳар қопини 1300 сўмдан пуллаётгандим, майли, сиз 1250 сўмдан бера қолинг, — мурожаат этди А. уйқусираб турган Қулманатга.

— Пулимиз тамом бўлиб қолди, агар Чимкентдан почта орқали жўнатишга розн бўлсангиз, майли, олаверамиз.

— Шерикларингизга 30 қоп шакар топиб бердим, келинг борини бераверинг, минг сўмдан бўлса ҳам майли.

— Сизга айтяпман-ку, пулимиз жуда оз қолди, меҳмонхонада ҳам ҳар хил сарф-харажатлар чиқиб турибди, иложи йўқ.

— Ўзингиздан кўринг, арзон-гаров бераяпман, майли, 900 сўмдан бўлса ҳам, — деди А. шошилиб.

Шу пайт кутилмаганда формадаги икки ходим улар томонга кела бошлади. Буни кўрган А. дарров қочиб кетди. Икки қоп «шакар» эса Қулманатнинг олдида қолди.

— Зўрсиз-ку, шакар олибсиз-да? — савол берди Акрамжон.

— Ҳа, энди шериклариимиз анчагина олган экан, бизга икки қоп қолибди, холос, шунга ҳам шукур.

— Пул бердингизми? — сўради Шукуржон.

— Йўқ. Сизларни кўриб, йигитча ғойиб бўлди.

— Исмини биласизми?

— Ҳа, А...

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги товар-моддий бойликларни ташқарига олиб чиқиб кетишни назорат қилувчи давлат инспекциясининг Наманган вилоят бўлинмасида қоплардаги шакарни тортиб кўрилаётганда содир бўлган антиқа воқеадан ҳамманинг оғзи ланг очилиб қолди. Шакар ўрнига қопга қум тўлғазилиб, пулланаётган экан. Уни кўриб, Қулманат бошини чангаллаганича додлаб юборди:

— Яна тушадиган бўлган эканман-ку! Войдод, бу одамлар дастидан!

Унинг куйинганича бор эди. Шу йилнинг 29 февралида Қулманатнинг ўзи бошқарган саёҳатчилар 10 минг сўмликдан ортиқ озиқ-овқат товарлари ва ноёб молларни шу ерда — Наманганда қолдириб кетишга мажбур бўлишганди.

Қулманат ким дейсизми? У, энди ўттизга кираётир, икки боланинг онаси, Чимкент шаҳрида истиқомат қилади, касби экскурсоводлик. Қулманат Қуанишбековна Ескараева бу сафар ҳам 30-32 саёҳатчи билан Ўзбекистонга — унинг гўзал шаҳри Наманганга йўл олар экан: «Ўтган сафар ишим бароридан келмади, бу сафар таваккал қилай-чи, зора бойиб кетсам», деди ўзига-ўзи.

У шундай қилди. Наманганга келибоқ «Орзу» меҳмонхонасига жойлашгач, савдо тармоқларини икки кундаёқ кезиб чиқди. Кўҳликкина жувон эмасми, ҳеч кимнинг нигоҳидан қочиб ўтирмади. Гўзаллигини намойиш этар экан, ўз мақсадини ҳам яшириб ўтирмади:

— Бозор иқтисодиёти, ҳаёт қийинчиликларини кўриб турибсиз, акажон, жоним сизга тасаддуқ, нима хоҳласангиз ўн чандон ўринлатаман. Менинг ҳам талабларимни қаноатлантирсангиз бас, — савдо ишида кўзи пишган Л. га минг товланиб гап отди Қулманат.

— Айтганларингни есть қиламан, жонидан, фақат пулни аямасанг бас, нима олиб келишсин?

Ана шу суҳбатдан сўнг Қулманатнинг хонасига чет эл чойлари, маргарин, шакар, қанд, хилма-хил рўмоллар, тиш тозалаш учун пастарин ва бир неча хил товарлар келтирилди. Қулманат ва унинг шериклари 40 минг сўмликка яқин молларни тезда сотиб олишди.

— Наманган жаннат экан-ку, нарсаларнинг арзонлигини қаранг, — қувониб дейди Ойша Назарова.

— Мана бу рўмолларни бизда беш юзга олаверади, бу ерда икки юз сўмдан беришяпти-я, лақмалар, — гапга қўшилди Нурсулув Окаева.

— Шуни айтинг, сариёғ ҳам, маргарин ҳам арзон экан, иложи борича кўпроқ олиб кетавериш керак, — гапга-гап қўшди Манас Темуров.

Хуллас, бозор кўнгилдагидай бўлди. Николай Прокофьевич Зимияснов бошқарган «07—64 ЧМТ» рақамли автобус «Орзу»нинг рўпарасига эмас, балки шаҳар озиқ-овқат савдоси омбори олдига келтириб қўйилди ва ҳамма юклар ўша ерга жойланди. Тонг саҳарда Чимкентга жўнаб кетиш режалаштирилди. Кейин...

Инспекция ходимлари Чимкент томон йўл олган автобусни текшириб, барча турдаги озиқ-овқатлар, ноёб моллардан истеъмолга яраш асосида олиб кетилишига рухсат этишди, 23500 сўмлик нарса эса Наманганда қолдирилди.

Саёҳатчилар гуруҳи Чимкентга йўл олди. Уларни кузатиб қолган инспекция ходимлари Акромжон Аҳмедов, Валижон Мажнунов, Шукуржон Ҳамидовлар 14 мартдан 15 мартга ўтар кечасидаги бу операциянинг муваффақиятидан мамнун бўлиб қолишди. Кўпчиликни ҳайратга солган воқеа шундай тугади.

Эндиги вазифа Наманган шаҳар ички ишлар бўлимида қолди. Ноёб моллар, озиқ-овқатлар, шакар ва бошқа нарсаларни сотган шахсларни аниқлаш, «шакар» қумни пулламоқчи бўлган виждонсизни қўлга тушириш даркор.

Турғунпўлат СУЛАЙМОНОВ,
журналистлар уюшмаси аъзоси, шаҳар Кенгаши депутати.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТЎХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.
386.914 нусхада чоп этилмоқда.
Буюртма № Г—182.

Нашр № 117 кўрсаткичи—64583.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди—23.30. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.